

ҲАЁТЛАРИ НАМУНА ЭДИ

Зайд ибн Аслам оталаридан ривоят қиладилар: “Абу Бакрнинг, розийаллоҳу анҳу, тилларини ушлаб: “Мана шу мени олиб борадиган жойига олиб боради”, деб айтаётганларини эшитдим”.

Абу Бакр, розийаллоҳу анҳу, айтдилар: “Муслмон ҳар бир нарсада, ҳатто (кичик) қайғуда ва оёқ кийимининг ипи узилиб кетганида ҳамда қўйнидаги ҳамёнини йўқотиб қўйиб, шунга безовталаниб, уни қўнжидан топганида ҳам ажрланади”.

Бир киши Али ибн Ҳусайннинг, розийаллоҳу анҳу, қошларига келиб: “Расулulloҳнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ҳузурларида Абу Бакр ва Умарнинг, розийаллоҳу анҳумо, ўринлари қандай эди?” деб сўради. Али ибн Ҳусайн: “Ҳозир қандоқ бўлса, шундай эди”, деб жавоб бердилар (*Ёнма-ён қабрда ётганларига ишора*).

Абу Бакр Сиддиқ, розийаллоҳу анҳу, ёзда рўза тутардилар, қишда оғизлари очиқ бўларди.

Абу Сафар айтадилар: “Абу Бакр Сиддиқ, розийаллоҳу анҳу, касал бўлиб ётганларида у кишини кўргани кирганлар: “Табиб чақирайликми, сизни кўриб қўяди?” деб сўрашди. Абу Бакр, розийаллоҳу анҳу: “Мени табиб кўриб бўлди”, дедилар. Улар: “У сизга нима деди?” деб сўрашди. Абу Бакр Сиддиқ, розийаллоҳу анҳу: «**Мен (яъни, Аллоҳ таоло) хоҳлаганимни қилувчиман**», деди», деб жавоб қилдилар.

Оиша, розийаллоҳу анҳо, айтдилар: “Абу Бакр, розийаллоҳу анҳу, бир диноҳ ҳам, бир дирҳам ҳам қолдирмай дунёдан ўтдилар, чунки вафотларидан аввал мол-мулкининг ҳаммасини Байтулмолга қўшган эдилар”.

* * *

Ибн Жудъон ривоят қилади: Ҳазрати Умар, розийаллоҳу анҳу, бир кишининг: “Парвардигоро, мени озчилик қаторида қилгин”, деб дуо қилаётганини эшитиб: “Ҳой Аллоҳнинг банда-

си, озчилик деяётганинг кимлар у?” деб сўрадилар. У киши: “Аллоҳ таолонинг: “**У билан озчиликгина имон келтирди**” (*Ҳуд, 40, мазмуни*), “**Бандаларимдан озчиликгина шукр қилувчи**” (*Сабаа, 13, мазмуни*) каби оятларни биламан”, деб яна бир қанча оятларни зикр қилди. Шунда, Ҳазрати Умар, розийаллоҳу анҳу: “Ҳар қандай одам Умардан билимлироқ”, деб қўйдилар.

Абул Олия айтадилар: “Умар ибн Ҳаттобнинг, розийаллоҳу анҳу: “Парвардигоро, бизларга офият бергин ва гуноҳларимизни афв этгин”, деб айтганларини кўп эшитганман.

Мисвар ибн Маҳрама айтадилар: “Умарнинг, розийаллоҳу анҳу, халифалик даврларида кўп мол келтирилиб, масжидга қўйилди. Умар, розийаллоҳу анҳу, чиқиб ҳалиги молларни бирма-бир қўлларидан ўтказиб, қараб турдилар. Шунда кўзларидан ёш оқа бошлади. Буни кўрган Абдурахмон ибн Авф, розийаллоҳу анҳу: “Эй мўминларнинг амири, нега йиғлаяпсиз? Аллоҳга қасам, бунга шукр қилса арзийди-ку”, дедилар. Умар, розийаллоҳу анҳу, эса: «Аллоҳга қасамки, бу (мол-дунё) қайси бир қавмга берилса, албатта, уларнинг ораларига буғзу адоват солинади», дедилар».

Анас ибн Молик, розийаллоҳу анҳу, айтадилар: “Бир куни Умар ибн Ҳаттобнинг, розийаллоҳу анҳу, товушларини эшитиб, у зотнинг ортидан юрдим. Бир боққа кирдилар, ўрта-мизда девор бор эди. Эшитсам, шундай деяётган эканлар: “Умар мўминларнинг амири? Воҳ! Воҳ! Эй Ҳаттобнинг ўғли! Аллоҳга қасамки, ё Аллоҳга тақво қиласан ёки Аллоҳ сени албатта азоблайди”.

Умарнинг, розийаллоҳу анҳу, сўзи: “Агар уч нарса бўлмаганида Аллоҳга йўлиқишни яхши кўрган бўлардим: Аллоҳ учун пешонамни ерга қўймаганимда, меваларнинг яхшиси терилганидек, сўзларнинг ҳам яхшилари танланган мажлисларда ўтирмаганимда ҳамда Аллоҳнинг йўлида юрмаганимда”.

Умар, розийаллоҳу анҳу, айтганлар:

“Ҳаётимизнинг яхшисини сабр билан топдик”.
“*(Одамларни)* мадҳ қилиш сўйишдир”.

“Аллоҳни зикр қилишни ўзингизга лозим тутинглар, чунки у шифодир, инсонларнинг зикридан сақланинглар, чунки у дарддир”.

Абу Мозин айтадилар: “Умарнинг, розийаллоҳу анҳу, изорларида ямоқлар кўрдим. Санасам, ўн иккита ямоқ бор экан”.

Камолиддин ИНОЯТУЛЛОҲ ўғли
тайёрлади

Ибрат

Ҳаётлари намуна эди	1
Амри маъруф	
Аҳмад МУҲАММАД ТУРСУН	
«Аллоҳ сабрлиларни ёқтиради»	4
Наҳйи мунакар	
Шайтон васвасаси	6
Рангин туйгулар	
Сурайё ЗОҲИР	
Бомдод ва шом манзиллари	7
Саҳобалар ҳаёти	
Румайсонинг ҳадяси	8
Илк намоз	
Мавлуда ШОДМОНОВА	
Жаннатда ҳам бирга қил	9
Санобар ЭШОНҚУЛОВА	
Бобомнинг қувончи	9
Убудийят	
Ибн Қаййум ал-ЖАВЗИЙ	
Аллоҳни ёдлаш фазилати ва фойдалари	12
Мактубларда манзаралар	
Мулла НУРУЛЛОҲ	
Дуонинг шарофати	20
Замзам ҚУРБОНОВ	
Имон ва саломатлик	20
Муроджон ШАМСУДДИНОВ	
Шукр япроқлари остида	20
Элбек БОҶИЕВ	
Чиройли хулқ	21
Абдулҳафиз МАВЛОНОВ	
Шунчалар мушкулмикан?	21
Дарсхона	
Акмал АВАЗ	
Тажвиддан синов	22
Китобхон мулоҳазаси	
Маҳмуд ҚАҲҲОРОВ	
Рисолат дунёсига ошнолик	23
Шеърят	
Садриддин САЛИМ БУҲОРИЙ	
Дилни қотиш дардидан асра	24
Фулом БОБОЖОН	
Яхшилик	24
Султон РАСУЛИЙ	
Ўйлагайман	24
Тадқиқот	
Масих Дажжол	26
Ибратли ҳикоялар	
Уч балиқ	29
Қомус	
Од қавми	30



Журналимиз саҳифаларида оят ва ҳадислар берилаётгани учун уни ножоиз жойларга ташламаслигингни сўраймиз

Ҳидоят топганлар
Али Алексей СИДЕЛЁВ

10

«АСЛ ДИНИМГА ҚАЙТДИМ»



«Мен Ислонни чеккадан келиб қабул қилмадим, балки аввалдан, онамнинг қорнидалигимдаёқ мансуб бўлганим асл динимга қайтдим. Ҳа, ҳозир мен баралла эътироф этаманки, «**Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур росулуллоҳ**». Мени тўғри йўлга ҳидоят этган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин! Ва ҳақиқат йўлида изланаётган бошқа инсонларни ҳам Аллоҳ ҳидоятга бошласин!»

Хабарлар

14

ИСЛОМ ВА ОЛАМ

Қоҳирада анжуман



Миср муфтийи Аҳмад ал-Тоййиб Ислон олимлари ва мусулмон мамлакатлари ҳукуматларини ўзаро муҳолиф бўлмай, бир сафда туриб ҳаракат қилишга, шиалар ва суннийларнинг аҳил яшашларига хизмат қилувчи дастур ишлаб чиқишга чақирди. Анжуманда «Иттифоқдош Ислон давлатлари» номи остида барча мусулмон мамлакатларни бирлаштирувчи Ислон давлатлари лигасини тузиш тавсия этилди. Анжуман ишида Бирлашган Араб амирликлари, Эрон, Қатар, Жазоир, Саудия Арабистони, Ливия ва Қувайдан вакиллар иштирок этишди.

Қуръон қиссалари

16

ИБРОҲИМ, алайҳиссалом, ҚИССАСИ

Иброҳим болта билан бутларни чопиб, синиқларини ҳам майда-майда қила бошлади. Одамлар байрамдан қайтиб келгач, ибодатхонада рўй берган ҳодисани сўраб кўрсинлар деб бутларнинг энг каттасига тегмади.



Ақида

Имоми Аъзам Абу Ҳанифа

19

АЛ-ФИҚҲ АЛ-АКБАР

Аллоҳ таоло Қуръонда Мусо ва ундан бошқа пайғамбарлар тўғрисида ҳамда Фиръавн ва иблис ҳақида айтганлари барчаси Аллоҳнинг улар ҳақида билдирган каломидир. Мусо, алайҳиссалом, ва ундан бошқа махлуқларнинг сўзлари ҳам махлуқдир. Қуръон Аллоҳ таолонинг каломидир, уларнинг каломи эмасдир.

Қомус

30


ОД ҚАВМИ

Бир қанча тарихчи ва муфассирларнинг фикрига кўра, Од қавми яшаган жўгрофий минтақа Ямандир. Бу қавм Ямандаги Умон ва Ҳадрамут оралиғидаги минтақада яшаган.

Мўъжиза, ҳикмат
Ҳорун ЯҲЁ

31

ОЛАМНИНГ ЙЎҚЛИКДАН ЯРАТИЛИШИ



“Осмонни биз қудрат билан барпо қилдик. Дарҳақиқат, Биз қудратлидирмиз. Ерни эса ёйиқкенг қилиб қўйдик. Бас, (Биз) нақадар яхши ёйгувчидирмиз” (Ваззориёт, 47–48, мазмуни).

«HIDOYAT»

Ойлик диний-ижтимоий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир ҳайъати

Абдурашид қори БАҲРОМ

Абдулазиз МАНСУР

Абдураззоқ ЮНУС

Анвар ТУРСУН

Муҳаммад Шариф ЖУМАН

Юсуфжон ИСҲОҚ

Эркин МАЛИК

Абдул Жалил ХЎЖАМ

(Бош муҳаррир ўринбосари)

Муҳаммад Собит САЛОҲИДДИН

Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ

Муқовани

Абдулбоқи ИМОМХОН ўғли тайёрлади.

Тартибловчи

Қудратуллоҳ ЖУМА ўғли

Матни

Юлдуз КОМИЛ қизи

терди.

Манзилимиз: 700069, Тошкент шаҳри,
Зарқайнар 18-берккўча, 47а-уй, Тел: 40-17-97.
Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот
қўмитасида рўйхатга олинган.
Гувоҳнома рақами 00079.

Босишга 2003 йил 24 апрелда рухсат берилди.
Босмахонага 2003 йил 29 апрелда топширилди.
Қоғоз бичими 84x108^{1/16}. Адади 8000 нусха. 101-
сон буюртма. «КО'НИ NUR» МЧЖда босилди.
Манзили: Тошкент, Муқимий к., 178-уй.
Интернет почта: hidoyat@ars-inform.uz

Баҳоси келишилган нарҳда.
Макет асл нусхаси Pentium-IV
компутерида саҳифаланди.

Қўлёзмалар қайтарилмайди, тақриз қилинмайди.
Мақолалар хат орқали юборилганида исми шарифлар
тулиқ ёзилиши, манзил аниқ кўрсатилиши шарт.


Қуръони каримнинг Юсуф сурасида “Энди (менинг ишим) **чиройли сабр қилмоқдир**”, мазмунли оят бор. Бу Ёқуб, алайҳиссалом ҳақидаги оят мазмунидир.

Акалари Юсуфнинг кўйлагини ёлғондан қонга бўяб келтирадилар ва оталарига уни “**бўри еб кетди**” деб айтадилар. Шунда энг суюкли фарзандининг ғамида ўртанган ота бошига тушган мусибатга чиройли сабр қилишни афзал кўради.

ни камбағал, фақирни бадавлат қилиб кўя олишининг ҳикматини англаб етмади. Хуллас, кичик бир имтиҳонга сабр қилишни билмади. Аксинча, дуч келганга зорланди, “Менга яна қанақа зулминг бор эди?!” дея тақдирдан нолиди, оҳ-вой қилиб, аламини бола-чақасидан, яқинларидан олди. Охири хасталаниб, кўрпа-тўшак қилиб, ётиб қолди.

...Яқинда бошқа бир дўстимнинг уйлижойли қилган ёлғиз ўғли ҳалок бўлди. Фоже-

«АЛЛОҲ САБРЛИЛАРНИ ЁҚТИРАДИ»



Одамзод бошига озгина мушкулот ва мусибат тушса, дарров оҳ-войни бошлайди. Балки бу қийинчилик ёки бало Аллоҳ томонидан синов тариқасида, менинг имонимни имтиҳондан ўтказиш учун юборилгандир, деб ўйлаб ҳам кўрмайди. Ҳолбуки, “**чиройли сабр қилмоқ**” м ў м и н н и н г асосий хулқларидан биридир.

Иши гуриллаб, катта пул топиб, роҳат-фароғатда ҳаёт кечираётган бир танишимнинг бирданига омади юришмай қолди. Сувдай оқиб келаётган пуллар тўхтаб, бир-икки қилинган ҳаракатлар катта зарар билан яқун топди, атрофида гир айланиб юрган улфатлар ҳам қаёққадир ғойиб бўлишди, ҳатто “кўзининг ёгини еб юрган” бола-чақасига ҳам ёмон кўришиб қолган “қора” кунлари бошланди. Афсуски, бу ҳолни Аллоҳнинг бир синови деб тушунмади. Яхши кунларнинг ортидан ёмон кунлар ҳам келишини, бойлик, мол-дунё абдий эмаслигини, Аллоҳ таоло бир кечада бой-

адан унинг кўзига ҳеч нарса кўринмас, берилган тасалли, насихатлар қулоғига кирмас эди. Фақат: “Энди менга ҳаёт тамом, ўғилгинам, сенинг ўрнингга мен ўлсам бўлмасмиди!” дея фарёд чекар, кўзларидан ёш селини оқизар эди. Унинг ҳолатини тушуниш керак: фарзанд доғи, айниқса, ёлғиз ўғилдан ажраш ёмон, келиннинг ёлғизгина ёдгори билан бўзлаб қолганини кўриш ундан ҳам ёмон. Лекин бундай пайтларда кўпни кўрган қариялар ва зукко уламоларнинг тавсияларига кўра, сабрли бўлиш, айниқса, мусибат етган илк давларда сабр қилиш лозим.

Биров йиллар бўйи йиғиб-терган бойлигидан бир кечада айрилиб қолади. Бир эрхотиннинг ўртасига совуқлик тушиб, кўйди-чиқди васвасасига учрайди. Бировнинг тирикчилиги оғирлашиб, оиласини боқиш илинжида ўзини ҳар ёнга уради, аммо нажот тополмайди. Кимнингдир фарзанди ноқобил чиқиб, кулфат устига кулфат келтира бошлайди. Кимгадир содиқ дўсти хиёнат қилади, кимнидир ўттиз йиллик амалидан сабабсиз олиб ташлашади. Нима, шундай ҳолатларда улар ҳаётдан тўйиб, жонларига қасд қилишлари ёки тупроққа ўт кўйишлари керакми? Аллоҳ неъмат берганида хуш қабул этилганидек, у неъматни бирор ҳикмат юзасидан олиб кўйганида ҳам сабр-тоқат билан чидаш керак. Чунки “**Аллоҳ сабрлиларни ёқтиради**”.

Ҳадиси қудсийда Аллоҳ таоло марҳамат қилади: “*Эй бандаларим, Мен бандалар ичидан бир мўмин кишини (бирон мусибат етказиб) имтиҳон қилсам, у Менга ҳамд айтиб им-*

тиҳонимга сабр қилса, у ўша жойидан турганида хатодан (гуноҳлардан) онаси туққан кундагидек пок бўлиб туради”.

Пайғамбармиз Муҳаммад, алайҳиссалом, ҳамиша мўмин-мусулмонларни сабрли бўлишга даъват қилганлар, ҳаттоки бирор юмушга киришишда, бир қарорга келишда ҳам шовшилмай, ўйлаб иш кўриш, сабрли бўлиш зарурлигини уқтирганлар. Ҳазрати Расулулоҳнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Имоннинг афзали сабрли ва кенг қалбли бўлишдир”; “Сабрлилик мусибатнинг биринчи дақиқаларида билинади”, деган муборак ҳадислари бор. Донишмандлар: “Сабр қулларни подшоҳларга айлантиради”, дейишган бўлса, Ҳасан ал-Басрий: “Сабри бўлмаган кишининг дини йўқ”, деганлар. Яна бир донишмад эса: “Одамларнинг бахтлироқлари қалби илмга ташна кишилар, жисми сабр қилувчи ва қўлидаги бор нарсага қаноат қилувчилардир”, деб ёзиб қолдирган экан.

Шайх Умар ибн Усмон Маккий айтадилар: “Сабр улдирки, банда ўз ихтиёрини Худога ташлагай ва ҳар турли бало келса, хушлик ва розилик ила қабул қилгай”.

Сўзни ҳазрати Алишер Навоийнинг сабр ҳақидаги ушбу фикрлари билан тугаллашни истардим: “Сабр аччиқ, аммо фойда берувчи, сабр қаттиқ, аммо зиён-заҳматни даф қилувчидир. Сабр саҳросида роҳат қилиш изтироб чекиш билан баробар, сабр даштида дам олиш югуриш билан тенг. Сабр Ҳашр шомидек қоронғу ва узун, аммо охири — висол тонги. Сабр ҳаж йўлидек қийин ва йироқ, аммо ниҳояти — Иқбол Каъбаси”.

Аҳмад МУҲАММАД ТУРСУН

МУСУЛМОН ДЕПУТАТЛАР

“Хуррият” газитининг 14 май сонида машҳур олим Озод Шарофиддиновнинг “Мусулмон депутатлар. Улар Думада қандай ишлашган эди?” сарлавҳали мақоласи босилган. Муаллиф унда Уфада чоп этилган бир китоб баҳонасида XX аср бошида Русия империясидаги ижтимоий-сиёсий воқеликнинг бир кўриниши — Давлат Думасидаги мусулмон депутатларнинг фаолияти ҳақида сўз юритади. Улар орасида Туркиянистондан бир неча депутатлар бўлганини, қандай фаолият юритишганини қаламга олган. Олим, шунингдек, биздаги Академия институтларида, олий ўқув юртларида ана шундай мажмуаларни нашр этишга иштиёқ йўқлигидан таассуф билдиради.

МЕН ХУДОГА ИШОНАМАН

“Ижтимоий фикр” жамоат фикрини ўрганиш маркази Олмониянинг Фридрих Эберт номидаги жамғарма буюртмасига кўра “Ўзбекистон аҳолиси турмушида Ислом динининг ўрни” мавзуида сотсиологик тадқиқот ўтказди. Республиканинг етти вилояти ва Тошкент шаҳридаги маҳаллаларда истиқомат қилаётган 1875 респондентдан сўров натижаларига кўра, уларнинг 99,3 фоизи “Сиз Худога ишонасизми?” деган саволга ҳеч иккиланмай “Ҳа” деб жавоб берган. “Сиз учун қайси бири муҳим: миллатингизми ёки мусулмонлигингиз?” деган саволга эса 43,5 фоиз респондент “Булар ажралмас тушунча, мен учун иккаласи ҳам муҳим” деб жавоб қайтарган, 20,5 фоиз иштирокчи мусулмонлик аҳамиятлироқ эканини, 28,5 фоизи эса миллатининг муҳимлигини афзал кўрган. Бу ҳақда ҳам “Хуррият” газитида хабар берилган.

Musulmon gazeta
HURRIYAT

Дунёда қанча мусулмон бор?

Бу ҳақдаги маълумотлар XX асрнинг иккинчи ярмида қуйидагича ўзгариб турган: 1954 йилда — 365 милён; 1964 йилда — 450 милён; 1973 йилда — 600 милён; 1978 йилда — 907 милён; 1986 йилда — 1 миллиард 155 милён киши.

Дунёда мусулмонлар сонининг кейинги ўн йилликларда ўсиши нафақат араб ва бошқа мусулмон мамлакатларида туғилиш кўплиги билан балки, бошқа дин вакилларининг Исломни қабул қилишлари билан ҳам боғлиқдир.

Баъзи мамлакатлар умумий аҳолисига нисбатан мусулмонлар сони қуйидагича: АҚШ — 1, 4 фоиз, Арманистон — 3, Германия — 6, Грузия — 10, Русия — 10, Эфиопия — 40, Судан — 75, Сурия — 87, Қирғизистон — 77, Ўзбекистон — 90, Ливия ва Афғонистон мамлакатларида 99 фоиз.

«Нақшбандия» газитининг шу йилги 2-сонидан олинди.



ШАЙТОН ВАСВАСАСИ

Шайтон жаннатдан қувилганидан кейин Аллоҳ таолодан қиёматгача жазоламай туришига изн сўради ва унга қиёматга қадар муҳлат берилди. Шундан кейин шайтон одамзодни ҳидоятдан адаштиришга бел боғлади. Бир қисмини ёши катта

кор бандасига айланади. Иблис ҳам айнан шу вақтда инсонни ўз измига бўйсундиради. Лекин тақволи мўмин тоат-ибодатда турганида шайтон ҳатто унинг тукига ҳам теголмайди.

Мўминни ҳийла билан тузоғига тушира олмаган шай-

аёлларга юбораман. Ёшлар билан орамизда ҳеч қандай муаммо йўқ. Улар билан доимо осон тил топишамиз. Вақти келса, болалардан ҳам фойдаланаман”.

Шайтон инсонни йўлдан оздиришда ниҳоятда маҳоратлидир. Лекин шунга қарамай, у хоҳлаган кишини куфр ва хиёнатга бошлай олмайди. Расулulloҳга, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, истаган кишилари ни ҳидоятга бошлаш салоҳияти берилмаганидек, иблиси лаъинга ҳам хоҳлаган кишини гуноҳга ботириш имконияти берилмаган. Шунинг учун одам ўзини “Шайтон мени йўлдан оздирди” деган баҳонанинг паноҳига олиши нотўғридир. Чунки инсон чиркин ишлари билан шайтонни ўзига даъват этади. Гуноҳ ила шайтонни хурсанд қилади. У билан дўстлашиб, Аллоҳнинг исён-

тон, энди қулай фурсат пойлай бошлайди. Васваса ўқлари билан қалбни нишонга олиб, ҳужумга тайёрланади. Инсоннинг қалби ҳар бир нарсани ўзида жам қилувчи маънавий марказга ўхшайди. Қалб малоикалардан ва баъзида тўғридан-тўғри Ҳақ таолодан илҳом олади. Бу унинг яхшилик, хайр ва Аллоҳнинг амрларига боғлиқ томонларидир. Шу билан бирга, қалб нафс ва шайтоннинг ўқларига ҳам нишон бўлади. Нафсдан қалбга келганлар “ҳаважис”, шайтондан келганлар “васваса” дейилади. Ҳаважис асосан нафснинг орзу-истаклари билан боғлиқ. Риё, кибр, ҳасад каби тушунчалар ҳам бунга мисолдир. Васваса эса, асосан, диннинг зоҳирига, амр ва тақиқларига иккиланиш билан қарашдан, ичкилик, қимор, ўғрилиқни ташвиқ қилишдан иборат. Бундан ташқари, қалбга шубҳа, тараддуд, инкор ҳолатларини жойлаган шайтон, ёмон ва чиркин сўзларни, шаҳватга оид ҳаёл ва хотираларни ҳам суқади. Баъзида эса, намозни неча ракат ўқидим, таҳорат олаётганимда оғзимни чайдимми, гусл қилаётганимда баданимда қуруқ жой қолдими... каби васвасалар беради.

Шайтоннинг бу шаклда васваса қилишдан мақсади ўзи куфрга бошлай олмаган, Аллоҳнинг ва унинг Расулини севган, Аллоҳнинг амрларига бўйсунган мўминнинг қалбини вайрон қилиш ва ибодатидаги ҳузур-ҳаловатни йўқотишидир. Бунинг учун у бор имкониятини ишга солади. Масалан, намозда ёки бошқа бир ибодат асносида мўминнинг қалбига Аллоҳга, Расулulloҳга, соллаллоҳу алайҳи ва сал-

лам, қарши умуман ақлга тўғри келмайдиган тушунчаларни шивирлайди ёки намоз давомида шаҳвоний манзараларни жонлантиради. Бундан ҳаяжонга тушган мўмин васвасалар гўё қалбидан келаётгандек кўрқа бошлайди. Васвасага мубтало бўлган кишилар охир-оқибат Аллоҳ олдидаги қуллигига бардош беролмай, барча нарсдан воз кечадилар. Зеро, шайтоннинг асл мақсади ҳам шудир. Шунинг учун васвасали кишилар қилаётган амалларига шубҳа билан қараб тўхтаб қолмасдан, “Иншааллоҳ, Аллоҳ қабул қилади”, дея давом эттирмақлари керак. Илоннинг ойнадаги акси чақмагани ёки ифлос нарсанинг акси кир қилмаганидек, куфрнинг хаёл ва фикр ойнасидаги акси ҳам эътиқодни бузмайди. Чунки мўминни шайтон васваса қилганида қалбнинг туғёнга келиши унинг ҳақиқий имон соҳиби эканига далолатдир. Аҳли суннага кўра, бирор нарса фақат қалб билан тасдиқ қилингандагина ҳақиқий ҳисобланади.

Мўмин ҳар қандай васвасага соғлом ирода билан бардош бериб, шайтонга алданиб қолишдан сақланмоғи, бунинг учун Аллоҳни кўп-кўп зикр қилиб турмоғи лозим. Намозда васваса келган пайтда фикрини бир ерга жамлаб, фақатгина ўқиётган сурасини ўйласа, бошқа вақтларда, шайтоннинг васвасаларига қалқон бўлгувчи Фалақ ва Нос сураларининг маъносини тушунган ҳолда тез-тез ўқиб турилса, фойдадан холи бўлмайди. Зеро, Аллоҳ Қуръони қаримда буюрганидек: **“Шубҳасиз, шайтоннинг макри заифдир”** (Нисо, 76, мазмуни).

Бомдод ва шом вақтларининг мушқдан-да хушбўйроқ бир иси бор. Бомдод ва шом манзилларида юракнинг зарблари титроқли. Бу пайтларда уйғоқ туриш қандай хузурли.

Бомдод кирди. У шундай зангорики, тикилиб туриб, вақтнинг чакиллаган товушларини унутиб қўясан бир зум. Қуёш ҳали осмоннинг кенг ҳижоби ортидан бош



БОМДОД ВА ШОМ МАНЗИЛЛАРИ

кўтармади. Қичқириқ сувининг бўйидаги дарахтзорларни макон тутган кушлар уйғонишди, холос. Улар бир-бирларининг қулоқларига азон чақириб, ибодатга чорлаётганга ўхшайди. Овозлари бир-рам илоҳий, қулоқларингиз остида иқомат айта бошлагандек гўё...

Тонг тутай бошлади. Ифори келиб, димоғимга урилди.

Зийнатли ва зангори осмон деразамдан мўралаб турибди. Қуёшнинг қизғиш учунлари ҳам элас-элас кўзга чалинмоқда. Ниҳоят у осмоннинг шабнам ранг ҳижоби этакларини бир-бир боса бошлади.

Ассалому алайкум, Шом! Ё менинг кўзим равшанлашди, ё қуёш бир ёрилди, бир ёришди. Ҳали шомгача вақт бор. Уфқ гўё осмоннинг бўғзи, қуёш қадалган унга. Икки тарафга намозшомгуллар эзилиб, сиёҳлари тўкиб ташлангандек. Қуёш бир қаричгина қолди теракнинг учига илиниб. Кун ботарга ном топа олмаяпман. Унда минглаб ранглар мужассам, ҳеч қайси бир-бирига қоришмаган. Овоз ҳам топдим у ердан. Аллоҳ кўп ранглар ва товушларнинг биздан сир тутган. Биз рангини билмайдиган рангин пардалар остида Раббим кундузини тунга киргазди. Бу висол эди.

Бомдод кирди. Ҳали ранги қорароқ. Бугунги тонг булутсиз бўлди. Кундузни ёқтирмайман. У қандай кундузки, фосиқлар юзини ёрита олмайди.

Шом. Уфқ хасталарнинг нигоҳи мисол сўлғин. Кўпроқ қайғу шарпасига ўхшайди. Сўнг сукунат атрофдаги бесарамжонликларни бирма-бир ютиб, тин олади.

Бомдод кирди. У яланғоч, тирчиллаётган чақалоққа ўхшайди. Бир соатдан сўнг тинчийди. Вақт ўзи фақат ўлим учунгина туғилади. Унинг жомиди лабо-лаб турган жимлик азон товушига сингиб кетди. Шунинг учун ҳам инсон уйғонади. Бечоралар уйқудек ўткинчи, муваққат, ўлим макрини ором, деб ўйлашади.

Кеча қаймоғи сидириб олинган сутдек чайқалиб турибди. Осмондаги ой шунчалар оппоқ, ҳатто юзидаги доғи билинмайди. У қачон покланишга улгурди экан...

Ҳаммани ғафлатда қотириб, бир ҳовуч фусунни осмонга сепалаганининг синоати не? Тасодифан уйғониб юрагим ёрилаёзди, бу гўзаллик таъқибидан қутулиш мумкинми, ахир...

Қуёш чиқа бошлади ҳамки, менинг бомдодий бедорликларим ҳануз мудрайди. Тонгги қичқириқларнинг ҳеч бирини эшитаётганим йўқ. Бунчалар оддий қуёшнинг кўтарилиши. Унинг кўтарилишида ҳеч шиддат йўқ. Хавф йўқ. Ҳамма жой ҳаддан ташқари ёруғ бўлиб кетди. Аммо бундай ёруғликда хавф бор. Бу унинг ортидан шиддат билан келаётган зулматдир.

Сурайё ЗОҲИР

РУМАЙСОНИНГ ҲАДЯСИ

*“Аллоҳим, уни мол-дунё, бола-чақа билан ризқлантириб, баракотли қилгин...”
Расулуллоҳнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, дуоларидан*

Анас ибн Молик гул гунчасидек ёш бола эди. Оналари Румайсо эса эндигина Исломни қабул қилиб, икки шаҳодатни айтган, қалби Аллоҳ ва унинг Расулини зикр қилганида шодликка тўдар эди. Кичкина Анас Пайғамбарнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, Маккадан Мадинага келишларини интиқиб кутган эди.

Ҳар куни эрта тонгда болалар чуғурлашиб: “Муҳаммад келяпти”, деб қичқиришиб, кўчага югуришарди. Болакай Анас ҳам уларнинг олдига тушиб чопар, бироқ улар ҳеч кимни кўрмай, хафа бўлиб, изларига қайтишар эди.

Ниҳоят, Расулуллоҳнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, Мадина яқинидаги қишлоқлардан ўтиб келаётганлари хабари келди. Болалар кутиб олишга ошиқишди. Улар худди тўда-тўда бўлиб учаётган қушлардек бир-бирларидан ўзишиб югуришарди. Мурғак қалблари қувончга тўла. Уларнинг энг олдида Анас борарди.

Ёш болалар, аёллар: “У қайси бири, У қайси бири!” деб Расулуллоҳни, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, сўрашарди. Анас ибн Молик, розийаллоҳу анҳу, бу муборак кунни йиллар давомида, умрларининг охиригача эслаб, гапириб юрадилар.

Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, Мадинада қарор топганларидан сўнг Анаснинг онаси Милҳон қизи Румайсо Расулуллоҳнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ҳузурларига кирди. Сочлари пешонасига тушган Анас ҳам кўзлари севинчга тўлиб онаси билан бирга келган эди.

Румайсонинг: “Ё Расулул-

лоҳ, мадинадлик ҳар киши сизга қандайдир ҳадя берди. Мен эса ана шу ўғлимдан бошқа тухфа топмадим. Буни олинг, ўғлим сиз хоҳлаганингизча хизматингизни қилсин”, деди. Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, бундан ғоят хурсанд бўлдилар ва табассум қилганларича Анаснинг бошини муборак қўллари билан силадилар ва уни оила аъзолари қаторига қўшдилар.

Анасни ўша бахтиёр кундан бошлаб Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, эркалаб, Унайс (кичкина Анас) деб чақирадиган бўлдилар. Анас ибн Молик Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, вафот этгунларича ўн йил бу серфайз хонадонда яшади. Бу ўн йил давомида энг гўзал суҳбатлардан баҳраманд бўлиб ақллари тўлишди, қалблари меҳрга қонди. Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, сирларини, шамоилларини ҳеч ким Анас ибн Моликдек билмас эди.

Анас ибн Молик Расулуллоҳдан, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, оталарча меҳр-шафқат кўрди. У зот айтади: “Бир куни Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, мени бир иш билан бир жойга юбордилар, кетатуриб, кўчада ўйнаётган болалар билан чалғиб қолдим. Менга буюрган ишлари хаёлимдан кўтарилибди. Болалар билан турганимда бир инсон орқамдан келиб кийимимдан ушлаганини сездим. Қарасам, Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, табассум қилиб турибдилар. Ва илтифот билан: “Эй Унайс, мен буюрган ишга бордингми?” “...Узр, ҳа, ҳозир бораман, ё Расулуллоҳ”. Худо

ҳаққи, Расулуллоҳга, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ўн йил хизмат қилган бўлсам, шу ўн йил ичида, бир иш қилсам ёки қилмасам, сабабини сўрамас эдилар. Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, мени ҳар доим эркалаб: «Эй Унайс» ёки «Эй ўғлим», деб чақирадилар”.

Расули Акрам, алайҳиссалом, Анасга шундай насиҳат қилганлар:

“Эй ўғлим, агар биров сенга ёмонлик қилган бўлса, унга нисбатан юрагингда нафрат, ёмонлик бўлса, ухлаш олдидан буни унутгин. Эй ўғлим, шундай қилсанг, бу менинг суннатим, ким суннатимни қилса, у мени яхши кўрибди. Ким мени яхши кўрса, у мен билан жаннатда бирга бўлади».

«Эй ўғлим, уйингга ва қариндош-уруғингникига борсанг, саломлаш, бу салом сенга ва оила аъзоларингга барака келтиради».

Анас ибн Молик Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, вафотларидан сўнг саксон йил умр кўрдилар. Шу йиллар давомида Анаснинг қалблари севинч билан, ақллари Пайғамбарнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, фикҳ илмлари билан тўлди. Анас ибн Молик тириклигида жаннатий дея башорат қилинган ўн саҳобийдан бири эди. Одамларга ҳар хил муаммоларни, фикҳий масалаларини ҳал қилишда жони дили билан ёрдам берарди. Анас ибн Молик ансорлар ичида энг бой, мол-дунё ва фарзандлари ҳам кўп эди. Набираларининг сони юзга етарди. Аллоҳ унинг умрини баракотли қилди.

Бу саҳобий Абу Ҳурайра ва Абудуллоҳ ибн Умардан кейин энг кўп ҳадис ривоят қилган. Аллоҳ таоло Анас ибн Молик ва оналари Румайсодан рози бўлсин.

Холидаҳон ҲИКМАТОВА
таржимаси

ЖАННАТДА ҲАМ БИРГА ҚИЛ

Мен авваллари намоз ўқимас эдим.

Бир куни турмуш ўртоғимнинг дўстлари оила аъзолари билан йиғилишиб, бизни кимга меҳмонга келишди. Узоқ ўтирдик. Биримиз у воқеани, биримиз бу воқеани гоҳ кулдириб, гоҳ ибратланиб, сўзлаб берардик. Меҳмонлардан бири айтиб берган воқеа мени чуқур ўйга толдирди.

Бир киши бемор дўстининг зиёратига борибди. Аҳволларини сўрабди. Дўсти анча соғайиб қолганини, шу касаллик сабаб намоз ўқишни ўрганиб олганини суюниб гапириб берибди. Шунда зиёратига келган дўсти ундан:

— Намоз ўқишни янгамга ҳам ўргатдингизми? — деб сўраб қолибди.

Бемор киши норози оҳангда:

— Янганг шу дунёдаёқ дилимга кўп озор бераётгани етмайдими? Энди нариги дунёда ҳам ўзимга



галва орттирайми? Ҳеч бўлмаса, жаннатда мени тинч қўйсин! — дея хўрсинибди.

Бу воқеани эшитиб, эримга тикилганча қотдим. Чунки у киши анчадан бери намоз ўқир эдилар. Ўй-хаёллар қанчалик ўртаганини айтиб беролмайман.

Ниҳоят, меҳмонлар кетишди. Мен дарров эримни сўроққа тутдим:

— Нега менга намоз ўқишни ўргатмайсиз? Ёки сиз ҳам шу дунёдаёқ мандан безор бўлдингизми?

Турмуш ўртоғим жилмайиб қўйдилар. Сўнгра:

— Йўқ, албатта, мен сенга намозни ўргатаман. Ўзинг сўраб қолганинг қандай яхши бўлди. Иккимиз бу дунёда бирга бўлганимиздек, у дунёда ҳам бирга қилишини Аллоҳдан сўрайлик... — деб менга намоз ўқиш тартибларини бирма-бир ўргата бошладилар.

Эртасига бомдод намозини бирга ўқидик. Яратган Аллоҳга илк бора ибодат қилдим, пешонам саждага тегди. Кўзларим жикқа ёшга тўлди. Қалбим титраганча қўлларимни дуога очиб, Аллоҳга илтижо этдим: “Бизни жаннатда ҳам бирга қил...”

Мавлуда ШОДМОНОВА,

Қарши

БОБОМНИНГ ҚУВОНЧИ

Бир куни дадам қўлларидан бир журнал билан келиб қолдилар. Ҳаммамиз қизиқиб ўқидик. Бу “Ҳидоят” журнали бўлиб, дадам масжиддан олган эканлар. Ўқиб, барчамизнинг унга меҳримиз тушиб қолди. Айниқса, дадамнинг акалари Мурод бобом ҳар гал:

— Неъмат, масжиддан “Ҳидоят” олиб келдингми? — деб сўроқлайдиган ва биздан олдин ўқиб чиқадиган бўлдилар.

Келинг, яхшиси, сизларга бобомнинг намозга қандай кирганлари ҳақида сўзлаб берай.

Дадамнинг акалари Мурод бобом мактабда математикадан дарс берар, намоз ўқимас эдилар.

Бир куни у киши уйимизга меҳмон бўлиб келдилар. Ўша лаҳзада дадам “Ҳидоят” журналини ўқиб ўтирар эдилар. Бобом ҳам журналга қизиқиб, бошдан-охир ўқиб чиқдилар. Вақт ўтиши билан қизиқишлари янада ортди. Журнал сабаб бўлиб, Аллоҳ таоло бобомнинг кўнглига ҳидоят нурини,

намоз ўқиш завқини солди. Айниқса, 2002 йил 8-сонидаги “Ташаккурни унутдингиз”, 2003 йил 1-сонидаги “Аллоҳга элтувчи тўғри йўл” сарлавҳали мақолаларни ўқиб ғоят таъсирландилар.

Бир куни бобом дадамнинг олдига келиб:

— Эй Неъмат, менга ҳам намоз ўқишни ўргатсанг-чи? “Алҳамду”, “Аттаҳиёт”, “Саловот”, “Ёсин”-ни иккинчи мубинигача ёдлаб қўйдим. Намозда яна қайсилари ўқилади? — деб қолдилар.

Дадам бу сўзларни эшитиб, ҳайратда қолдилар. Севинганидан бобомни кучоқлаб, бағрига босдилар.

— Ие, Мурод ака, ҳаммасини билар экансизку! Қолгани осон. Фақат ўтириб-туриш, тасбеҳ айтиш қолибди, — дедилар. Сўнгра намоз ўқишни ўргата бошладилар.

Шу-шу бобом вақти кирди дегунча, намозга шошиладиган бўлдилар.

Намоз ўқиётганларидан ўзлари қанчалар севинишларини сиз ҳам бир кўрсангиз эди! Меҳрибон юзларига ажиб бир нур таралгандай бўлади. Сизлардан Аллоҳ рози бўлсин. Омин.

Санобар ЭШОНҚУЛОВА,

Булунғур тумани

“Имон келтирган зотларга энг яқин бўлгувчи зотлар “Биз насронийлармиз”, деган кишилар эканини кўрасиз. Бунга сабаб, уларнинг орасида олимлар ва роҳиблар бор эканлиги ва уларнинг кибр-ҳаво қилмасликларидир. Улар пайғамбарга нозил қилинган нарсани (Қуръонни) эшитган пайтларида унинг ҳақ эканини билганлари сабабли кўзларидан ёш қуйилаётганини кўрасиз. Улар: “Парвардигоро, имон келтирдик. Бас, бизни гувоҳлик бергувчилар қаторига ёзгин”, дейдилар” (Моида, 82—83, мазмуни).

«АСЛ ДИНИМГА ҚАЙТДИМ»

“Мен Исломни чеккадан келиб қабул қилмадим, балки аввалдан, онамнинг қорнидалигимдаёқ мансуб бўлганим асл динимга қайтдим. Ҳа, ҳозир мен баралла эътироф этаманки, «Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур росулulloҳ». Мени тўғри йўлга ҳидоят этган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин! Ва ҳақиқат йўлида изланаётган бошқа инсонларни ҳам Аллоҳ ҳидоятга бошласин! Эътиборларингиз учун раҳмат!” деб Алексей ҳаяжонли сўзларини тугаллади. Бу имон калималарини у жума куни, меҳробда, беш юз кишилик жамоат олдида айтиб, мусулмон бўлди. Собиқ насроний йигитининг чин қалбдан айтаётган сўзларидан таъсирланиб, қавмнинг кўзларида ёш қалқди.

Кечагина православ черковида хизмат қилган, бугун эса, Аллоҳ марҳамати ила имонга келиб, қалби нурафшон бўлган бу йигит билан суҳбатлашгим келди. Уни Чирчиқ шаҳрининг янги бино қилинаётган жомеъ масжиди қурувчилари орасидан топдим. Алексей қурилишга ишга кириб, янги байтуллоҳнинг қад ростлашига ҳиссасини қўшаётган экан. Салом-алиқдан сўнг уни уйимизга меҳмонга таклиф этдим. Ниятим, бир тарафдан, динимиздаги меҳмон кутишнинг савобига эришиш бўлса, иккинчидан, ҳозир суҳбатдошимни ишдан қўймаслик эди. Қолаверса, уй шароитида суҳбат эркин, хотиржам ва самимий бўлишидан умидвор эдим. Алексей рози бўлди ва ишдан сўнг, бир дўстимиз ҳамроҳлигида уйимизга келди. Атайин мен биринчи бўлиб салом бердим:

- Ассалому алайкум, Алексей.
- Ва алайкум ассалом.
- Таклифимни ерда қолдирмаганинг учун ташаккур... Суҳбатимиз аввалида ўзингни қисқача таништириб ўтсанг.

— Мен Сиделёв Алексей Сергеевич бўлман. 1979 йил 26 январда Чирчиқ шаҳрида туғилганман. Миллатим ўрис. Тўлиқсиз ўрта маълумотга эгаман. Отасиз ўсганман. Онам ҳам ўн беш ёшлигимда вафот этган. Шундан сўнг бувимнинг қўлида тарбия топдим. Бувим ҳам тақдир тақозоси билан олти йилдан сўнг оламдан ўтиб, мен бутунлай ёлғиз қолдим. Ҳаёт машаққатлари болалигимдаёқ елкамга тушган ва кўп муаммоларни эрта кундан ўзим мустақил ҳал қилишимга тўғри келган. Болалигимдан қал-

бимнинг бир четида Худога ишонч бор эди. Баъзан ўзимча Унга мурожаатлар ҳам қилиб турардим.

— Сени кўп йиллар православ черковининг диний хизматларида ишлаган деб эшитдик. Мумкин бўлса, шу ҳақида гапириб берсанг.

— Ҳа, шундай. Эсимда, бувим мени биринчи марта ўн ёшимда черковга олиб борган эди. Ўшанда Пасха байрами куни эди. Черковнинг маҳобатли кўриниши, ранг-баранг кийимлар... Табиийки, бу илк боришим болаларча қизиқишдан ўзга нарса эмасди. Бора-бора мен ҳар якшанба кунлари черковга қатнай бошладим. Православ черкови қошида якшанбалик диний мактаб бўлиб, кейинчалик мен ўша мактабда беш йил давомида илк христианликдан ва Инжилдан таълим олдим.

Ўқиш давомида черковда «пономарь» вазифасини ҳам ўтай бошладим. «Пономарь» черков лавозимларининг куйи табақасидир. Яъни, черков роҳибига диний хизматни адо этишида ёрдам берувчи ходим. Кейинчалик черковда «чтец» (Инжилни ва дуоларни ўқиб берувчи) ва «певец» (диний қўшиқларни куйлаб турувчи) вазифаларини ҳам бажардим. Вақтлар ўтиб, ишонч қозонганимдан, ҳатто черковнинг идорий-бошқарув, ҳужжат юритиш каби ишларига ҳам қатнаша бошладим. Умуман олганда, ҳаётимнинг тахминан ўн ўн беш йили черковда ўтган.

— **Ўша куни масжидда христианликдаги кўпгина қарама-қаршиликлар, зиддиятлар ҳақида сўзладинг...**

— Бунга бир ҳаётий мисол келтирай. Тошкент православ руҳонийлари тайёрлайдиган билим юртида қисқа муддат ўқишим давомида Инжилни анча чуқурроқ ўрганишга муваффақ бўлдим. Айнан шу ўрганиш жараёнида мен Инжилда кўпгина зиддиятлар, ғалатиликлар борлигини кўрдим. Бири иккинчисини инкор этадиган, тушунарсиз бўлган ўринлар кўп эди. Эсимда, черковимизда Дмитрий исмли ошпаз ишларди. У Инжилни жуда ҳам чуқур ўрганган, эътиқодли христианлардан эди. Афсуски, у ҳозир вафот қилган. Бир куни у менга: «Биласанми, мен Инжилдаги бир оятни, мавзунини тушунтириб беришим мумкин ва шу топдаёқ Инжилнинг бошқа ояти билан ўша айтилаётган фикрни инкор этишим ва батамом йўққа ҳам чиқаришим мумкин», деган эди.

— **Шахсан ўзинг Инжил билан Қуръон ўртасида қандай фарқларни кузатдинг?**

— Инжил асли иброний тилида бўлган ва кейинчалик турли дунё тилларига ўтирилган. Мана шу таржималарда Инжилнинг асл матнига жуда кўплаб ўзгартишлар, киритмалар қўшиб юборилган. Черков диний ибодатларга ҳам хоҳлаганича ўзгартиришлар киритди ва ўз давридаги ҳукмдорларни деярли «Худонинг ўринбосари» даражасига чиқариб қўйишгача борди. Бугунги христианлик ибодатлари асл христианликда бўлмаган кўплаб одат ва қоидаларга қоришиб кетган. Бу ҳол черков тарихида яққол кўзга ташланади.

Қуръон эса, бунинг тамоман акси. Гарчи у ҳам юзлаб тилларга таржима қилинган бўлса-да, унинг аслий кўриниши — араб тилидаги илк нозил бўлган кўриниши ҳеч қандай ўзгаришсиз сақланиб турибди. Ва шу билан бирга, Ислом дини қонун-қоидалари ҳар хил ўзгартма ва янги киритмалардан холи экани ва бу нарса қатъий

шариат мезонлари асосида тартибланган экани, менинг назаримда, уни христианликдан устун қиладиган томонларидандир.

— **Узил-кесил бир қарорга келишингга нима туртки бўлди?**

— Албатта, Исломга батамом, тўқис киришимдан аввал бирмунча тараддулдандим. Чирчиқ шаҳри имоми билан кўп маротаба суҳбатлашдим, кўп баҳс-мунозаралар қилдим. Илк суҳбатнинг ўзидаёқ Ислом тўғрисидаги жуда кўп маълумотлардан, нафақат Ислом, балки Исо, алайҳиссалом, Инжил ва христианлик тўғрисидаги асл маълумотлардан ҳам воқиф бўлдим. Ниҳоят, бир неча ҳафта давом этган фикр алмашинув ва мулоқотларнинг самараси сифатида шу фикрга келдим: **Ислом Аллоҳнинг охири ва ҳақ дини экан.** Айниқса, Масковда чоп этилган, менинг она тилимда ёзилган Али Вячеслав Полосиннинг «Прямой путь к Богу» китоби менинг тасавурларимда инқилоб ясади. Бундан ташқари, Аҳмад Дийод исмли олимнинг христиан олимлари билан, минглаб гувоҳлар иштирокида қилган суҳбатларини, мунозараларини видеоасвирларда томоша қилдик. Бу филмлар атрофида савол-жавоблар ўтказдик. Чунки менда жуда кўплаб саволлар пайдо бўлган эди ўшанда. Ўша олимнинг «Что Библия говорит о Мухаммаде?» рисоласини ўқишим эса, мени Исломга тўла-тўқис таслим бўлишимга олиб келди. У одамни мен жуда яхши кўриб қолдим.

— **Илк паллалардаги ҳолатларинг, илк таасуротларинг қандай бўлди?**

— Имом билан бир галги суҳбатимиз якуни топиб, масжиддан чиқиб кетаётганимда, адашмасам, аср намозига азон айтилди ва ҳамма намозга шошилди. Мен имомдан мусулмонларнинг намозни адо этишларини четда туриб кузатишга изн сўрадим. Ҳеч эътирозсиз, бажонидил рози бўлди. Мусулмонлар сафга тизилишиб, намоз ўқий бошлашди... Ажойиб манзара, ички, қандайдир таърифлаб бўлмас бир тинчлик... Мен анчадан бери қидирганим айнан ўша руҳий сокинликни кўрдим уларда... Жамоатни, тенгликни сездим намозда. Анчадан бери излаётганим ва христианликда тўлиқ эриша олмаганим ибодат ҳаловатини кейинчалик ўзим намоз ўқиб кўрганимда ҳис этдим. Имом, бошқа мусулмонлар, масжид қурилишида ишлаётган ишчилар, ҳамма-ҳамма менга ёрдам бергиси, илиқ сўз айтгиси келарди. Мен ўзимга қаратилган ана шу меҳрни ич-ичдан ҳис этдим. Мен черковда неча йиллар хизматда бўлганман, шу орада кейинги йилларда кўпайиб кетган кўпгина христиан секталари, оқимларига ҳам кириб чиққанман. Лекин уларнинг бирортасида бу

даражада оддийлик ва самимиятни топмаганман. Ислому оддий ва одамий дин экан.

— Аллоҳ сени ҳидоятда давомли қилсин, Алексей. Энди бундан бу ёғига нима қилмоқчисан?

— Ҳозир мен масжид қурилишида ишляяпман. Бу ерда мусулмон биродарларим билан кўп мулоқотда бўляпман. Маҳаллий урф-одатларни яқиндан ўрганипман. Ишдан кейин оз-оз бошланғич диний билимлар оляпман. Намозни, Аллоҳга шукр, беш маҳал адо қияпман. Намоз ичида ўқиладиган бир нечта сураларни ёдладим, қолганларини ҳам секин-аста ўзлаштиряпман. Келгусида илм талаб қилишни яна давом эттирмақчиман. Мен, тўғриси, диний ҳаётга кўниккан одамман. Исломи чуқурроқ ўрганмоқчиман. Албатта, домла-имом бўла олмасам-да, лекин араб тилини ўрганишга кучли иштиёқим бор. Куръони карим ўқишни ўрганиш биринчи галдаги асосий мақсадим. Келажакдаги яна бир орзуим, яна қайдам, Исломи янги кирадиган оврапа миллатларига мансуб мусулмонлар билан ишлаш. Аллоҳ насиб этса, аввал ўзим яхши ўрганиб олиб, кейин уларга ҳам Ислому ҳақиқатларини етказиш каби режалар... Қолаверса, ўзимга мос, фаҳм-фаросатли, муслима бир аёл билан ислоний оила қуриш ниятим ҳам йўқ эмас...

— Узр, шу ўринда сўзингни бўламан: сени нима учун “Алексей” деб эмас, “Али” деб чакиришяпти?

— «Али» менинг янги исми. Мусулмон дўстларим шундай тушунтиришдики, инсон Ислому динини чин дилдан қабул қилар экан, унинг аввалги барча гуноҳлари кечирилар ва онадан туғилгандек пок ҳолатда бўлиб қолар экан. Энди, янги туғилган болага янги исм ҳам қўйиш керак-да (қулади). Мен аввал бошқа динда бўлиб, кейин Исломи қабул қилган кўп инсонларнинг ҳаёти билан танишдим ва шуни кузатдимки, уларнинг деярли барчалари ўзларига мусулмонча янги исмлар олишган экан. Русиялик олим Али Вячеслав Полосинга ҳурматан ҳам мен ўзимга “Али” исмини танладим.

— Ушбу суҳбатимиз, Аллоҳ насиб этса, “Ҳидоят” журналида чоп этилади. Минглаб ўқувчилар ўқийди. Тилакларингни изҳор қилсанг.

— Мени дунё ва охират саодатига элтувчи Ислому динига ҳидоят қилган ва жаннат сари йўллаб қўйган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин. Бу динни қабул қилишимга сабаб бўлган барча мусулмон дўстларимдан миннатдорман. Сизларнинг ҳам хайрли ишларингизга Аллоҳ мадад берсин. Раҳмат...

Юсуф АҲМАД
суҳбатлашди.

Ибн Қаййум ал-Жавзий

АЛЛОҲНИ ЁДЛАШ

Қалб ҳам худди темир каби занглайди. Соҳибининг гафлат ва гуноҳи сабабли уни занг қоплайди. Унинг занги Аллоҳни ёдлаш ила кетади. Ёдлаш уни шунчалик порлатадики, худди тиниқ кўзгу каби қилиб қўяди.

Абу Мусо ал-Ашъарий, розийаллоху анху, ривоят қиладилар: «Расулulloх, соллаллоху алайҳи ва саллам, дедилар: «Парвардигорини ёд қилувчи билан Парвардигорини ёдламайдиган кимса мисоли ўлик билан тирикдир» (Бухорий ривояти).

Абу Дардо, розийаллоху анху, айтадилар: «Ҳар бир нарсанинг ярқиратадиган жилоси бор. Қалблар жилоси Аллоҳни ёдлашдир».

Қалбдан Аллоҳни ёдлаш инсон дилида маърифатни ўстиради, муҳаббатни зиёдалаштиради. Аллоҳдан кўрқувни кўнгилга жойлайди. Ўз-ўзини тафтиш қилишга ундайди, ибодатларида хато қилмасликка, маъсиятлару ёмонликлардан четланишга чақиради. Аллоҳни фақат тилда зикр қилиш буларнинг бирортасини ҳам юзага келтирмайди. Келтирган тақдирда ҳам, у жуда заиф ҳамда кучсиз бўлади.

Аллоҳни ёдлаш дуодан афзалдир. Шунинг учун ҳам ҳадиси қудсийда келадики: «Кимники Мени ёдлаши Мендан бирор нарса сўрашидан банд қилиб қўйган бўлса, Мен унга сўровчиларга ато қилганимдан кўра яхшироқ нарсаларни ато қиламан».

Дуо ижобат бўлишининг сабабларидан бири дуони ҳамду сано билан, У зотни улуғлаш билан бошлашдир. Пайгамбаримиз ҳам дуонинг ҳамд ва сано билан бошланиши ижобат бўлишига боис экани ҳақида хабар берганлар.

Аллоҳни ёдлаш:

*Шайтонни қувади, уни ожиз қилади.

*Раҳмон розилигига элтади.

*Қалбдан ғам ва қайғуни кетказади.

*Қалбга шодлик ва сурур бахш этади.

*Қалб ва бадан қувватини зиёда қилади.

*Юз ва қалбни нурли қилади.

*Ёдловчига маҳобат, ҳаловат ва жило береди.

*Аллоҳга муҳаббатни инсон қалбига жо қилади.

ФАЗИЛАТИ ВА ФОЙДАЛАРИ ҲАҚИДА

*Инсонга Аллоҳдан қўрқиш туйғусини бериб, уни эҳсон эшигига киритади.

*Тавбага етаклайди.

*Маърифат (Аллоҳни таниш) эшикларидан улкан бир эшик очади.

*Аллоҳни ёдлаш У зот ҳам бандани ёдлашига сабаб бўлади: **«Бас, Мени эслангиз, Мен ҳам сизларни эслайман»** (Бақара, 152, мазмуни).

*Қалбга ҳаёт бағишлайди.

*Қалб ва руҳга қувват беради.

*Қалбдан зангни кетказиб, унга жило беради.

*Хатоларни ўчиради ва кетказди; у улкан ҳасанотлардандир.

*Хотиржам кунларида Роббини ёдлаган бандани оғир кунларида Робби эслайди.

*Аллоҳни ёдлаш Аллоҳнинг азобидан қутулиш — нажотдир.

*Тилни ғийбат, чақимчилик, ёлғончилик, фаҳш, ноҳақ сўзларни гапириш каби гуноҳлардан асрайди.

*Албатта, Аллоҳ ёдланган мажлислар малоикалар мажлисидир, беҳуда гаплар, лағв мажлислари эса шайтонлар мажлисидир.

*У ибодатларнинг энгилроғи ва афзалроғидир.

*Инсон учун бу дунёда нур, қабрда ҳам нур, Сирот кўпригидан ўтаётганида олдида ва ўнг



тарафида юрувчи нур бўлади.

*Қалбни уйқудан уйғотади.

*Қалбнинг қаттиқлигини кетказди.

*Аллоҳни ёдлаш қалбнинг шифосидир, ғафлат эса унинг касалидир.

*Кимки дунёдаёқ жаннат боғларида яшамокни истаса, Аллоҳ ёдланганидан мажлисларни ватан тутсин, чунки улар жаннат боғларидир (*Бу ҳақда саҳиҳ ҳадис ворид бўлган*).

*Қалбдан турли қўрқувларни кетказиб уни тинчлантиради.

*Банда билан жаҳаннам ўртасига девор-тўсиқ бўлади.

*Қийинни осон, оғирни энгил қилади.

*Малоикалар, худди тавба қилувчининг ҳаққиға истиғфор сўраганлари каби, Аллоҳни ёдловчининг ҳаққиға ҳам истиғфор сўрайдилар.

*Аллоҳни кўп ёдлаш инсонни нифоқдан сақлайди.

*У солиҳ амаллар ичида ўхшаши йўқ лаззатдир.

*Йўлда, уйда Аллоҳни ёдлашда, зикрда давомий бўлиш бандани учун қиёмат кунидаги гувоҳликни зиёда қилади. Албатта, ер ҳам қиёмат куни ёдловчининг фойдасига гувоҳлик беради.

Бобур ЖАББОР
таржимаси

ИСЛОМ ВА ОЛАМ



Аштархонда таинана бўлади

Волгабўйи булғорлари Ислом динини қабул қилганига минг йил тўлиши муносабати билан аштархонлик мусулмонлар Янги Булғор бўйлаб болаларнинг саёҳатини уюштиришга тайёргарлик кўришмоқда. Старокучергановка қишлоғи (Аштархон яқинида) масжидининг имом-хатиби Рустам Кенжалиев "Гармония" жамғармаси ва саёҳат агентликлари билан ҳамкорликда болаларнинг Қозон ва Янги Булғор шаҳарлари бўйлаб саёҳати, Татаристон масжидларига зиёрати режалаштирилганини айтган.

Ёз ойларида эса 13—17 ёшли ўсмирлар учун ҳам ана шундай саёҳатлар уюштирилади. Дастурни амалга оширишда "Волга" ва Қозондаги "Идил" агентликлари иштирок этадилар.

Ислам. Ру.

АҚШда исломий музей



Миссисипи штатидаги Жексон шаҳарчасида Амриқода биринчи исломий музей очилди. Музейнинг ижрочи директори Около хоним Рашид айтишича, исломий маданият халқаро музейи маҳаллий мусулмон жамоаларининг саъй-ҳаракатлари билан ташкил этилган.

Дастлаб шаҳарда очилган "Испаниянинг шон-шухрати" кўргазмаси мусулмон жамоалари томонидан Испания тарихининг исломий даврида эришилган улкан илмий-маданий ютуқларга оид ранг-баранг ашёлар билан бойитилди. Сўнгра масжидда ҳам бу ашёлар намойиш қилинди.

Около хоним Рашид таъкидлашича, музей фаолиятининг бош мақсади Ислом дини ҳақидаги маълумотларни мусулмон бўлмаган аҳолига етказишдир. Музейда турли тадбирлар, жумладан, Ислом дини ва тарихини ўрганиш бўйича ўқувлар уюштирилади. Делавер штати таълим бош-

қармаси музей фаолиятдан ибратланиб, мактаб дастурига мусулмон Испанияси тарихига оид машғулотларни ҳам киритди.

Usinfo.state.gov.

Малтада Ислом

Бугунги кунда Малтада уч мингдан ортиқ мусулмонлар истиқомат қилади. Бу рақам мамлакат аҳолисининг бир фоизини ташкил қилади ва Ислом дини мавқе жиҳатидан мамлакатда иккинчи ўринда туришини кўрсатади. Мусулмонларнинг кўпи Ливия, Тунис, Миср, Мароқаш ва Жазоирдан келган муҳожирлардир. Улардан олти юз нафар киши Малта фуқаролигини қабул қилган бўлса, бир юз эллик нафари шу ерда туғилганлардир.

Бу мамлакатда илк мусулмонлар жамоалари Ливия билан муносабатлар ривожлана бошлаган 1970 йили тузилган эди. 1978 йили Ливия Исломий даъват бутунжаҳон жамияти Малтанинг Паола шаҳрида жомеъ масжиди қурди, Ислом марказини ташкил этди. Маҳаллий аҳоли орасидан энг аввало Шимолий Африқо муҳожирларига турмушга чиққан аёллар мусулмонликни қабул қилишди. Паоладаги Ислом марказида араб тилини ва Ислом асосларини ўргатиш бўйича бошланғич мактаб ишлаб турибди.

Қоҳирада халқаро анжуман

«Бир қатор Ислом давлатларида ҳукм сураётган сиёсий зўравонлик уларнинг ҳартомонлама тараққиётига жиддий тўсиқ бўлаётир», деди Миср муфтийи Аҳмад ал-Тоййиб Қоҳира университетиде ўтказилган "Мусулмон оламида замонавий жараён" мавзuidaги Ислом таълимотига оид Саккизинчи халқаро анжуманда сўзга чиқиб. Муфтийнинг таъкидлашига кўра, "Бугун араб ва мусулмон мамлакатларини бир-бирларидан ажратишга уринишяпти". Бу фикрга у яҳудий шарқшунос олими Бернанд Луиснинг мусулмон мамлакатларини ўзаро рақобатчи сиёсий гуруҳларга ажратиш тўғрисидаги таклифларини далил сифатида келтирди.



Аҳмад ал-Тоййиб Ислом олимлари ва муслмон мамлакатлари ҳукуматларини ўзаро муҳолиф бўлмай, бир сафда туриб ҳаракат қилишга, шиалар ва суннийларнинг аҳил яшашларига хизмат қилувчи дастур ишлаб чиқишга чақирди. Анжуманда “Иттифоқдош Ислом давлатлари” номи остида барча муслмон мамлакатларни бирлаштирувчи Ислом давлатлари лигасини тузиш тавсия этилди. Анжуман ишида Бирлашган Араб амирликлари, Эрон, Қатар, Жазоир, Саудия Арабистони, Ливия ва Қувайтдан вакиллар иштирок этишди.

Археолог билан учрашув



Русия пойтахти Масковдаги тадбиркорлар Марказий уйида амриқолик археолог Майкл Кремо билан учрашув бўлиб ўтди. Маълумки, унинг “Тақиқланган археология” номли китоби Дарвин назариясининг сохталигини фош этиши билан ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотган эди.

Қадимшунос олим одамзот пайдо бўлишининг сирлари, инсоният тарихининг илк даврларига оид кашфиётларини тушунтириб, иштирокчиларнинг саволларига жавоб берди. Майкл Кремо учрашувда дарвинизм хавфи, эволюция назариясининг нақадар сохталиги, ҳозирги фундаментал илм-фан ютуқлари дарвинизм асосларини буткул пучга чиқараётгани ҳақида туркиялик олим Аднон Ўктар (Ҳорун Яҳё) хулосалари ҳақ эканини таъкидлаб ўтди.

“Ислом радиоси”

“Ислом канали” радиостансасининг эшиттиришларини янада кенгрок тингловчилар оммасига етказиш имконияти туғилди. Энди унинг эшиттиришлари сунъий йўлдош орқали узатиладиган бўлди.

Радиостанса директори Ҳамза Форуқий матбуот анжуманида айтишича, “Ислом канали” оммавий ахборот воситалари оламидаги катта бўшлиқни тўлдиради. Ҳозир дунёда икки миллиардга яқин муслмон бор. Уларга фақат биттагина радиостанса эшиттиришлар узатади, холос.


Ҳамза Форуқий яна шунини таъкидладики, 2000 йилнинг ўқабрида ташкил этилган станса тўрт мазҳабдан ҳар бирининг нуқтаи назарига мос равишда эшиттиришлар тайёрлаб келмоқда. Мақсад бутун дунё муслмонларига маърифат тарқа-

тишдир. Эшиттиришлар мундарижасида Қуръони карим тиловати, дуолар, шунингдек, оила ва миллий анъаналар масалаларига доир дастурларнинг салмоғи катта.

Канал ҳозир Яқин Шарқ, Ҳиндистон, Покистон ва Африқо мамлакатларига эшиттиришлар узатади. Форуқий келажакда Лондон шаҳри ва Шимоллий Амриқода ҳам шўъбалар очилажагини маълум қилди. “Шу йилнинг охирига бориб, Оврупа мамлакатларига ҳам дастурлар узатишни мўлжаллаб турибмиз. Амриқода ваколатхона очиш борасида маслаҳатлашувларни эндигина бошладик”, деди у матбуот анжуманида. Станса шу йилнинг 1 апрелидан сунъий йўлдош орқали эшиттиришлар узата бошлади.

Малайзада интернет-банк

“Малайзия Ислом Банки” пластик карточка эгалари бўлган мижозларига янги хизмат турини тавсия этди. Мижозлар билан ишлаш бўйича бош менежер Ван Исмоил Ван Юсох айтишича, яқинда мазкур банкнинг янги bankislam.biz интернет хизматининг бутунжаҳон тармоғи ишга туширилди. Бу виртуал банк хизмати мижозларга барча амалиётларнинг тўқсон беш фоизини интернет орқали амалга ошириш имконини беради.



Мижозлар ушбу сайт орқали банк ҳамкори ASCER Sales фирмаси компютерларини, мамлакатдаги телеалоқа тармоқлари хизматларини арзон нархларда сотиб олишлари, шунингдек, хайр-эҳсон мақсадида маблағ кўчиришлари ҳам мумкин.

Луис Фараханнын айтганлари

АҚШ муслмонлари етакчиларидан бири Луис Фарахан таъкидлашича, ҳар йили эллик мингдан саксон минг нафаргача амриқолик Ислом динини қабул қилмоқда. Уларнинг аксарияти Осиё ва Лотин Амриқоси мамлакатларидан келган муҳожирлардир. Ҳозир мамлакатда 1209 та масжид фаолият кўрсатяпти. Ушбу масжидларнинг ҳам кўпи кейинги ўттиз йил ичида қурилган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Бобил аҳолиси мўл-кўлчиликда фаровон ҳаёт кечиришар, аммо маънавий қашшоқлик, эътиқодий залолат ботқоғига ботиб, ўз қўллари билан тошлардан бут-санамлар ясаб, уларни «худолар» деб билишар, яратувчи ва ризқ берувчи Аллоҳ таолони унутиб, чиркин бутларга сиғинишар эди.

Бобил ҳукмдори Намруд Канъон ибн Кўш золим эди. Оддий одамлар унинг амрларига кўркўрона, сўзсиз итоат этишларини кўргач, Намруд мағрурланиб кетди ва ўзини «илоҳ» деб эълон қилди.

Муҳаммад Аҳмад ЖОДУ ал-МАВЛО, Муҳаммад Абул Фазл ИБРОҲИМ,
Али Муҳаммад ал-БАЖОВИЙ, Ас-Саид ШАҲҲОТА

ИБРОҲИМ, алайҳиссалом, ҚИССАСИ

Мана шундай фосид ақида ҳукмрон бўлган бир ўлкада яшовчи Озар хонадониди бўлгуси пайғамбар Иброҳим туғилиб вояга етди. Аллоҳ таоло уни рушди ҳидоятга бошлади. У ақл-заковатли йигит эди. Илоҳий илҳом воситасида Аллоҳнинг бирлигини, бутун коинотнинг яратувчиси фақат Аллоҳ эканини билди. Одамлар ўзлари ясаб олиб сиғинаётган бут-санамлар ботил, уларга қилинаётган ибодатлар беҳуда эканини англади. Қавмини ширк ва фасоддан халос қилиш учун яккаю ягона Аллоҳнинг амрларини даъват қилишга бел боғлади.

Яхши муомала ва одоб билан

Иброҳимнинг отаси Озар бут ясаб сотиб кун кўрар эди. Иброҳим биринчи галда энг яқин ва энг азиз кишиси Озарни панду насиҳатга кўндириш ва тўғри йўлга чорлашни фарзандлик бурчи деб билди. Озар бутлар ясаб сотгани учун одамларни уларга сиғинишга ундовчи сифатида фисқу фужурнинг уяси ҳам эди. Шу боис уни ҳидоятга чақириш ёмонлик уруғларини янчиб, залолат илдизларига болта уриш билан тенг эди.

Иброҳим, алайҳиссалом, фарзандлик одобларига тўла риоя қилган ҳолда, хушмуомалалик билан, отанинг меҳр-муҳаббатини уйғотадиган оҳангда, ўзининг пайғамбар эканини билдиришдан бошлади. Сўнгра отасидан дуо-саноларни эшитмайдиган, таъзим-эҳтиромларни кўрмайдиган, бало-офатлардан уни ҳимоя

*Қисқартириб эълон этилмоқда.

қилолмайдиган, илтижо қилиб сўраган нарсаларини беролмайдиган бутларга нима учун ибодат қилишини секингина сўради.

Ўртага сукунат чўкди. Иброҳим яна мулойимлик билан бутларга сиғиниш шайтоннинг иғвосига учиш ва унинг тўрига илиниш эканини, шайтон эса Аллоҳга осий, одамларга ашаддий душман бўлиб, ҳалокатдан бошқа ҳеч нарсараво кўрмаслигини тушунтирди. Аммо меҳр-шафқат ва одоб юзасидан, агар тўғри йўлга юрмаса, аччиқ азобларга дучор бўлишини отасига очич-ойдин айтмади.

Бу насиҳатлар Озарга таъсир қилмади. Иброҳимнинг пайғамбарилигини эътироф этмади, ўелининг меҳр-шафқатини инобатга олмади, маслаҳатларини рад этди, хурсанд бўлиш ўрнига аччиқланди ва:

— Эй Иброҳим! Сен менинг илоҳимдан юз ўгирмоқчимисан? Агар бу фикрингдан, бу хато йўлингдан қайтмасанг, сени тошбўрон қилажакман. Менинг аччиғимдан эҳтиёт бўл, газабимдан кўрқ. Гапимга кирмасанг, уйимни тарк эт, мендан нарироқ юр! — деди.

Иброҳим отасининг дўқ-пўписаларини бошиқ тинглади ва меҳрибонлик билан:

— Омон бўлгин, отажон! Мен албатта Роббимдан сени мағфират қилишини сўрайман. Зеро, У бандасига қарамли зотдир. Мен ўзимни сизлардан, сиз ибодат қилаётган бутлардан ҳам четга оламан ва Парвардигоримга илтижо қиламан, — деди ва отаси билан вижолашди.

Бутларни сундириш

Иброҳим одамларнинг фикр-туйғуларини далил-ҳужжатларга қаратишга, шу йўл билан ўзининг ҳақ эканини исботлашга қарор қилди. Эътиқодлари ботил эканини англатиш учун одамлардан:

— Бутларга сиғинаётган пайтингиз улар сўзингизни эшитадими? Уларга ибодат қилаётган пайтингизда улар сизни кўрадими? Улар сизга фойда ёки зарар келтира оладими? — деб сўради.

Кўр-кўрона тақлид нақадар ёмон одат. Бобил аҳолиси ҳам:

— Ота-боболаримизнинг бутларга сиғинишганини, уларга ибодат қилишганини кўрганмиз. Биз уларнинг бундай турмуш тарзларини асло рад этмаймиз, — деди.

Бу билан бобилликлар тақлидларини “тўғри йўл” деб билишларини кўрсатишди.

Иброҳим уларга:

— Сиз ҳам, ота-боболарингиз ҳам, шубҳасиз, қаттиқ залолатдасиз, — деди.

Одамлар тўғри йўлга юрмаганларининг сабабчиси бутлар бўлгани учун Иброҳим уларни синдириб ташлашга аҳд қилди.

Бобил аҳолиси ҳар йили бир марта байрам қилиб, шаҳар ташқарисига чиқишар эди. Байрамдан қайтгач, ебичиш учун таомларини ибодатхонада қолдириб кетишарди. Қолдирилган озуқалар бутларнинг “баракаси”дан “табаррук” ва “муқаддас” бўлиб қолади, деб ўйлашарди.

Одамлар байрамга отланишар экан, Иброҳимни ҳам шаҳар ташқарисига таклиф қилишди. Аммо у таклифни қабул қилмади, бетоб бўлгани учун чиқолмаслигини айтди. Буни эшитган бобилликлар ичларида хурсанд бўлишди.

Ҳамма чиқиб кетдию шаҳар ҳувиллаб қолди. Иброҳимдан бошқа ҳеч ким йўқ эди. У фурсатдан фойдаланиб, ибодатхонага кирди. Ибодатхона ҳайкалу бутларга тўла, ҳаммаёққа турли-туман таомлар қўйилган эди. Иброҳим бутлардан:

— Овқатларингизни емайсизларми? — деб сўради. Улардан ҳеч қандай садо чиқмаслигини, саволига жавоб олмаслигини билса ҳам, яна қўшиб қўйди: — Нега жим турибсизлар?

Тошлар қандай қилиб гапирсин, ёғочлар қандай қилиб сўзласин! Иброҳим болта билан бутларни чопиб, синиқларини ҳам майда-майда қила бошлади. Одамлар байрамдан қайтиб келгач, ибодатхонада рўй берган ҳодисани сўраб кўрсинлар деб бутларнинг энг каттасига тегмади. Нима бўлганини сўраган қавм ундан ҳеч бир жавоб ололмагач, ақллари ёришиб, шояд тўғри йўлга кирса, деб умид қилди. Ўзини панага олиб турди.

Одамлар байрамдан қайтиб, ибодатхонага киришди. Не кўз билан кўришсинки, «илоҳлари» ҳар ерда майда-майда бўлиб сочилиб ётар эди. Даҳшатга тушиб, бир-бирларига:


— Буни ким қилган бўлиши мумкин? Ким бўлса ҳам жазосини олажак! — дейишди. Улардан бири:

— Иброҳим деган йигит бор. У доимо бутларга ибодат қилганимиз учун бизни айблади. Бу ишни ўша қилган, — деди.

Одамлар Иброҳимни жазолаш учун бутун халқни бир майдонга тўплашга қарор қилишди.

Бу ҳол Иброҳим учун айни муддао эди. Чунки у халқ бир жойга йиғилганида ва ҳамманинг шоҳидлигида ботил эътиқодни фош этиш ниятида эди.

Мамлакатнинг турли чеккаларидан тўда-тўда бўлиб одамлар кела бошлади. Улар Иброҳимдан қасос олинишини ва унинг азобланишини кў-



ришга ошиқишарди. Ниҳоят газабланган оломон ўртада турган Иброҳимдан сўради:

— Илоҳларимизни синдириб, хор-зор қилган сенмисан, эй Иброҳим?

Иброҳим кўзлаган мақсадига эришиш учун фурсатни ғанимат билиб, деди:

— Уларни мана бу, бутларингизнинг энг каттаси синдирди. Агар улар сўзлай олишса, ўзларидан сўраб кўринглар!

Мантиқан рад қилиб бўлмайдиган далилга асосланган жавоб баъзиларнинг кўзини очди, ҳушёр торттирди. Бошқалари эса бир-бирларини маломат қилиб:

— У эмас, балки сизлар айбдорсиз. Чунки илоҳларимизни назоратсиз ва кўриқчисиз, ўз ҳолига ташлаб кетгансиз, — дейишди.

Иброҳимнинг сўзига жавоб тополмай, бошларини эгиб, ўйга толишди. Бир оздан сўнг эҳсушларини йиғиб:

— Эй Иброҳим, сен илоҳларимиз гапирмаслигини, саволга жавоб бера олмаслигини билатуриб, улардан савол сўрашимизни буюряпсан ва уларнинг гувоҳлик беришларини хоҳляпсан, — дейишди.

(Давоми 28-бетда)

Ақида илмини ўрганиш ҳар бир мўмин учун сув ва ҳаводек зарур. Мазҳаббошимиз Имоми Аъзам, раҳматуллоҳи алайҳ, ёзганлар: «Агар мўмин кишига тавҳид илмининг нозик масаларидан бирортаси тушунарсиз бўлса, шу заҳоти бир олимни топиб ундан сўраб билгунга қадар, Аллоҳ олдиди қандай тўғри бўлса, шундай эътиқод қилдим, демоқлиги лозимдир. Унга, бу ҳолда сўрашни кечиктириш мумкин эмас. Уни билмай туриши узр бўлмайди. Агар тавҳид илмининг тушунмаган масаласини ўрганишга ҳаракатдан тўхтаса, шу онда кофир бўлади». Бу масала бугунги кунда ҳам жуда долзарбдир.

Ана шу заруратни эътиборга олиб, “Мовароуннаҳр” нашриётида “Имоми Аъзам асарлари” китоби нашрга тайёрланди. Масъул муҳаррир ва тўпловчи Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг раиси, муфтий Абдурашид қори Баҳром. Китобдан Имоми Аъзамнинг, раҳматуллоҳи алайҳ, “Ал-фиқҳ ал-акбар”, “Ал-фиқҳ ал-абсат”, “Ал-Олим ва ал-мутааллим” каби қатор асарлари, ўғитлари, васиятлари ҳамда таржимаи ҳолларига оид қизиқарли маълумотлар ўрин олган.

Мазҳаббошимизнинг “Ал-фиқҳ ал-акбар” асарини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Имоми Аъзам Абу Ҳанифа Нўъмон ибн СОБИТ

АЛ-ФИҚҲ АЛ-АКБАР

Тавҳиднинг пойдевори ва эътиқод қилиш тўғри бўлган нарсалар

Банда шубҳасиз ишонгач, унга Аллоҳ таолога, Унинг фаришталарига, китобларига, пайгамбарларига, ўлгандан сўнг қайта тирилтирилишга, яхшилик ҳамд ёмонлик ҳам Аллоҳнинг иродаси билан бўлишига имон келтирдим, Ҳисоб, Мезон, Жаннат ва Дўзах ҳаммаси ҳақдир, демоқ вожиб бўлади.

— Аллоҳ бирдир. Унинг бирлиги сон жиҳатидан эмас, балки шериги йўқлиги, туғмаганлиги, туғилмаганлиги, тенги йўқлиги, махлуқларидан бирор нарсага ўхшамаслиги, унга махлуқларидан бирор нарсанинг ўхшамаслиги жиҳатидандир.

— Аллоҳ исмлари, зотий ва феълий сифатлари билан ҳамиша бўлган ва бўлади. Тириклик, қодирлик, билиш, сўзлашиш, эшитиш, кўриш, хоҳлаш Аллоҳнинг зотий сифатларидир. Яратиш, ризқ бериш, пайдо қилиш, вужудга келтириш кабилар Аллоҳнинг феълий сифатларидир. Аллоҳ ўз исми ва сифатлари билан бўлган ва бўлади. Аллоҳнинг бирорта исм-сифати янги пайдо бўлмаган.

— Аллоҳ ўз илми билан доимо олим, илм Унинг азалий сифатидир, У ўз қудрати билан доимо қодирдир, қодирлик Унинг азалий сифатидир. У ўз яратувчилиги билан доимо яратувчи, яратиш Унинг азалий сифатидир. У ўз феъли билан доимо фойилдир, феъл Унинг азалий сифатидир. Фойил Аллоҳ таолодир, мафъул махлуқдир. Аллоҳнинг феъли махлуқ эмас. Аллоҳнинг сифатлари азалда қадимийдир, махлуқ эмасдир.

Ким Аллоҳнинг сифатларини махлуқ ёки янгидан пайдо бўлган деса ёки у бетараф бўлса ёки Аллоҳнинг сифатларига шубҳаланса, у Аллоҳни инкор этган кофирдир.

— Қуръон мусҳафларда битилган, қалбларда ёдланган, тилларда ўқилган ва Пайгамбаримизга, соллаллоҳу алайҳи васаллам, нозил қилинган. Қуръонни талафуз қилишимиз, уни ёзиши-

миз ва ўқишимиз махлуқдир. Қуръон махлуқ эмас.

Аллоҳ таоло Қуръонда Мусо ва ундан бошқа пайгамбарлар тўғрисида ҳамда Фиръавн ва иблис ҳақида айтганлари барчаси Аллоҳнинг улар ҳақида билдирган каломидир. Мусо, алайҳиссалом, ва ундан бошқа махлуқларнинг сўзлари ҳам махлуқдир. Қуръон Аллоҳ таолонинг каломидир, уларнинг каломи эмасдир.

Аллоҳ таоло: “Аллоҳ Мусога гапирди...” деб баён қилганидан, Мусо, алайҳиссалом, Аллоҳ таолонинг каломини эшитди. Аллоҳ Мусога, алайҳиссалом, гапиришдан олдин ҳам азалда сўзлагувчидир. Махлуқотларни яратишдан олдин ҳам азалда яратувчидир.

— Аллоҳ Мусога, алайҳиссалом, сўзлашни ирода этганида унга ўзининг азалий сўзлаш сифати билан сўзлади. Аллоҳнинг ҳамма сифатлари махлуқларнинг сифатига ўхшамайди. Аллоҳ таоло билади. Билиши бизнинг билишимизга ўхшамайди. Аллоҳ таоло Қодирдир. Қудрати бизнинг қудратимизга ўхшамайди. Аллоҳ таоло кўради. Кўриши бизнинг кўришимизга ўхшамайди. Аллоҳ таоло эшитади. Эшитиши бизнинг эшитишимизга ўхшамайди. Аллоҳ таоло сўзлайди. Сўзлаши бизнинг сўзлашимизга ўхшамайди. Биз воситалар (аъзолар) ва товушлар ёрдамида сўзлаймиз. Аллоҳ таоло бевосита ва товушларсиз сўзлайди. Товушлар махлуқдир. Аллоҳнинг каломи махлуқ эмас.

Аллоҳ мавжуддир. Мавжудлиги махлуқларнинг мавжудлиги каби жисм, жавҳар, араз (аломат) билан эмасдир.

Унинг зидди ва тенги ва ўхшаши йўқдир.

Аллоҳ Қуръонда зикр қилганидек, Унинг тасаввурсиз йади, юзи ва нафси бор. Аллоҳнинг йади қудратидир ёки неъматидир дейилмайди. Зеро, бундай айтиш сифатни йўқ қилишдир, қадарийлар ва мўътазиллийлар сўзидир. Йади Унинг тасаввурсиз сифатидир. Аллоҳ-

нинг ғазаби ва ризоси Аллоҳнинг, тасавури йўқ сифатларидан иккитасидир.

— Аллоҳ таоло нарсаларни йўқдан яратди. У нарсаларни улар бўлмасидан азалда билгувчидир. Нарсаларнинг ҳолатини тайин этиб ҳукм қилгувчи Удир. Бу дунёда ҳам, охиратда ҳам ҳеч нарса Аллоҳнинг хоҳишидан, илмидан, қазою қадаридан, Лавҳул Маҳфузга битганидан ташқари бўлмайди. Лавҳул Маҳфузга баён этиб битгандир. Ҳукм этиб битган эмасдир.

Қазо, қадар, хоҳиш Аллоҳнинг азалий, тасавури йўқ сифатларидир.

— Аллоҳ йўқнинг йўқлик ҳолатида қандайлигини ва уни яратса қандай бўлишини билади. Аллоҳ мавжуднинг вужудлик ҳолатида қандайлигини ва унинг йўқлиги қандай бўлишини билади. Аллоҳ таоло билиши ўзгармай ё билиши янги бўлмай турганни турган ҳолида қандайлигини, агар у ўтирса, ўтирган ҳолида қандай бўлишини билади. Ўзгариш ва ҳолатдаги ҳар хиллик махлуқларда юз беради.

— Аллоҳ махлуқларни куфрдан ва имондан холи яратди. Сўнг уларга расуллари орқали хитоб қилди, имон ва тоатга буюрди, куфр ва гуноҳдан қайтарди.

Сўнг кофир бўлган ўз феъли, инкори, ўжарлиги билан ва Аллоҳ таолонинг унга мадади бўлмаганидан кофир бўлади, мўмин бўлган ўз феъли, иқрори, тасдиқи, Аллоҳ таолонинг унга тавфиқи ва мадади билан мўмин бўлади.

Аллоҳ Одам зурриётини унинг пуштидан зарралардек қилиб чиқариб, ақлли қилди, уларни имонга буюрди, куфрдан қайтарди. Улар Аллоҳнинг рубубиятига иқрор бўлдилар. Бу уларнинг имонидир. Улар мана шу сифатда туғиладилар.

— Сўнг кофир бўлган фитрий имонини куфр га алмаштиради ва ўзгартиради. Мўмин имонда собит қолиб, унда давом этади. Аллоҳ ҳеч бир махлуқни куфрга ва имонга мажбур этмади ва уларни мўмин қилиб ҳам, кофир қилиб ҳам яратмади, уларни куфр ва имонга қобилиятли шахслар қилиб яратди. Имон ва куфр бандаларнинг феълларидир. Аллоҳ таоло кофир бўлган кимсани куфри ҳолида қандайлигини, агар у сўнг имон келтирса, имони ҳолида қандай мўминлигини билади ва яхши кўради.

— Бандаларнинг ҳамма ҳаракат ва туриш феъллари ҳақиқатда уларнинг касбидир. Уларнинг яратувчиси Аллоҳ таолодир. Уларнинг ҳаммаси Аллоҳнинг хоҳиши, илми ва қазою қадари билан содир бўлади. Тоатларнинг ҳаммаси Аллоҳнинг амри, муҳаббати, розилиги, илми ва қазою қадари билан рўй беради. Гуноҳларнинг ҳаммаси Аллоҳнинг илми, қазою қадари ва хоҳиши билан воқеъ бўлади, аммо Аллоҳнинг амри, розилиги ва муҳаббати билан бўлмайди.

Ҳамма пайғамбарлар, алайҳимуссалоту ва саллам, катта ва кичик гуноҳлардан ва куфрдан асралгандирлар. Гоҳо уларнинг баъзилари-

дан янглишишлар содир бўлган. Пайғамбаримиз Муҳаммад, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, Аллоҳнинг ҳабиби, хос бандаси, расули, пайғамбари, танлагандир. Бутга сиғинмаганлар, Аллоҳ таолога асло ширк келтирмаганлар, кичик ва катта гуноҳни ҳеч қилмаганлар.

— Пайғамбарлардан, алайҳимуссаломлар, кейин одамларнинг энг афзали Абу Бакр Сиддиқ, сўнгра Умар ибн ал-Хаттоб ал-Форук, сўнгра Усмон ибн Аффон Зиннурин, сўнгра Али ибн Абу Толибдирлар. Уларнинг ҳаммасидан Аллоҳ рози бўлсин. Улар Ҳақ билан бўлиб, ҳақда ўтганлар. Уларнинг барчаларини дўст тутамиз. Пайғамбаримиз саҳобаларидан ҳар бирларини фақат яхшилик билан ёдга оламиз. Бирор мусулмонни қилган гуноҳи учун, гарчи у катта гуноҳ қилган бўлса ҳам, уни ҳалол ҳисобламаса, кофирга чиқармаймиз, ундан имон номини олиб ташламаймиз ва уни ҳақиқатда мўмин деб атаймиз. Киши кофир бўлмай фосиқ мўмин бўлиши мумкин.

— Маҳсига масҳ тортиш суннат билан собитдир. Рамазон ойида таровеҳ намозини ўқиш суннатдир. Солиҳ ва солиҳ бўлмаган мўминларнинг ортида намоз ўқиш жоиздир. Биз мўминга гуноҳлар зарар қилмайди ва у дўзахга кирмайди, дунёдан мўмин ҳолда кетса, агар у фосиқ бўлса ҳам, дўзахда абадий қолади, демаймиз. Биз, муржиалор каби, албатта яхши ишларимиз мақбул ва ёмон ишларимиз мағфур демаймиз.

— Аллоҳ таоло дунёдан имон билан ўтганнинг яхшиликларини, шартларига биноан ва бузувчи айблардан холи қилиб, куфр ва диндан қайтиш билан йўққа чиқармаган бўлса, зое қилмайди. Балки қабул қилади ва унга ажр беради. Ширк ва куфрдан бошқа гуноҳ қилиб тавба қилмай, имон билан ўтган киши Аллоҳнинг хоҳишида, агар истаса, уни дўзах билан азоблайди ва хоҳласа, уни афв қилади ва дўзах билан абадий азобламайди, деймиз. Бирор ишда риё бўлса, ажрини йўқ қилади. Шунингдек, гурурланиш ҳам.

— Пайғамбарлар мўъжизалари, авлиёларнинг кароматлари ҳақдир. Аммо Аллоҳнинг душманлари — Иблис, Фиръавн, Дажжол кабиларда бўлган ва бўладиган мўъжиза ва одатдан ташқари ишларни каромат ҳам деб атамаймиз. Буларни биз уларнинг ҳожатларини чиқариш деб атаймиз. Чунки Аллоҳ душманларини дунёда гурурда, охиратда азобда қолиши учун ҳожатларини раво қилади. Улар бу билан мағрурланиб, куфру туғёнда ҳаддан ошиб кетадилар. Бу мумкиндир.

— Аллоҳ махлуқларни яратмасидан илгари ҳам яратувчи ва уларга ризқ бермасдан олдин ҳам ризқ берувчи зотдир. Аллоҳ таоло охиратда кўринади. Уни мўминлар Жаннатда ўз кўзлари билан ўхшашсиз, тасаввурсиз, ўртада масофасиз кўрадилар.

(Давоми келгуси сонда.)

ИСЛОМ НАҚАДАР



Дуонинг шарофати

Ҳабибулло Махдум қишлоқ четига ёзу, қишда йўловчиларга хизмат қиладиган катта гузар қурдирди. Бир куни шу гузарга бир гуруҳ йигитлар келишди.

Махдум зимдан уларни кузатиб ўтирарди. Йигитлар бари тўрда ўтирган шерикларини ниҳоятда ҳурмат қилишарди. Барчалари унга меҳр кўзларини тиккан, сўзларини жон қулоғи билан тинглашар, хизматига шай туришар эди. Махдум қизиқиши ортиб, унинг олдига келиб:

— Ўғлим, кўринишингиз, муомалангиз яхши одоб-ахлоқдан дарак беради. Мартабангиз, илоҳи, бундан ҳам улуг бўлсин. Бундай ҳурмат-эҳтиромга қандай эришдингиз? Сир бўлмаса, айтинг, ўрганиб, фарзандларимизни шунга муносиб тарбия қилайлик, — дебди.

Йигит хижолат тортибди, лекин Махдум қистайвергач, ўзи ҳақида бир оз гапириб берибди:

— Менинг бошқалардан ҳеч бир ортиқ жойим йўқ, лекин мен ҳаётимда икки бахтга эришганман. Биринчиси шуки, отам мени эътиқод-

ли бир устознинг қўлига бердилар. Алҳамдулиллаҳ, устозимнинг кўнглини топиб, неки хизмат буюрса, муддатидан олдин бажаришга ҳаркат қилдим. Устозимнинг дуосини олдим. Иккинчиси шуки, мадрасадан уйга қайтгач, отамнинг хизматларида бўлдим. У киши кексайганларида оёқлари оғрийдиган бўлиб қолди. Таҳоратларига сув иситиб берардим, кечқурунлари оёқларини уқалаб ухлатардим, саҳар туриб яна сув илитиб, таҳорат қилишларига ёрдамлашардим. Асло отамдан берухсат бир ёққа кетмадим. Ҳаққимга кўп дуо қилганларини эшитдим...

Ҳабибуллоҳ Махдум йигитнинг бу сўзларидан катта ибрат олди, ҳамон гузарга келган-кетганларга уни қайта-қайта сўзлаб беради...

Мулла **НУРУЛЛОҲ**,
Сурхондарё

Имон ва саломатлик

Мен бир кекса шифокор сифатида ҳаётим ва иш фаолиятим давомида Ислом дини инсон учун нақадар улуг неъмат эканига амин бўлдим.

Касбим тақозоси билан одамлар ҳаётининг сўнгги дақиқаларини кўп кузатганман. Баъзан жуда оғир, хижолатли вазиятлар юзага келади...

Зино, порахўрлик, ўғри-

лик, ёлғончилик, қиморбозлик, майхўрлик каби бир қанча иллатларнинг саломатликка зарари бир қарашда сезилмаслиги мумкин. Ҳолбуки, бу иллатлар инсонни доимо хижолатпазликка, ҳадиксирашга, чиранишга, ғам-ташвишларга, уйқусизликка мубтало қилади. Натижада асаб тизими чарчайди, унинг фаолиятида мувозанат бузилади. Бундай кишилар кўпинча невроз, невростания, психастения, гипертофия, миокард инфаркти, экзема, диабет ва бошқа оғир касалликларга чалинадилар. Бу мисоллардан жўнгина, аммо аҳамияти залворли бир хулоса ясаसा бўлади: ҳаёт тарзини Аллоҳнинг каломи — Қуръони карим асосида қурган киши руҳан беғубор, жисмонан соғлом яшайди. Имонли, тақводор кишилар вақти-соати келиб ҳаётдан кўз юмиш онларини ҳам осон ва хотиржам кечиришлари аниқ.

Замзам **ҚУРБОНОВ**,
Богдод тумани

Шукр япроқлари остида

«Сабрни қаердан олса бўлади?» Журналнинг шу йилги биринчи сониди андижонлик укамиз берган бу савол, бир қарашда, жуда оддий туюлади. Аммо боши бир қадар аччиқ, охири доим тотли бўлган сабр нима ўзи?

УЛУҒ НЕЪМАТДИР

Ҳадислардан бирида «Дин ишларида олдинга боқ, дунё ишларида ортингга қара», дейилади. Дарҳақиқат, дин ишларида олдинга боқсак, имонимиз, тақвоимиз, ҳузур-халоватимиз, шукримиз, қаноатимиз ошади. Нохуш ҳоллардан фориг бўламиз. Дунё ишларида ортимизга қарасак, ўзимиздан ожизроқ, йўқсилроқ инсонларни кўрамиз. Шунда ўзимиз улардан устунроқ эканимизни кўриб, шукр қиламиз. Иншааллоҳ, шукр япроқлари остидан, албатта, сабр неъматини топамиз.

Муроджон ШАМСУДДИНОВ,
Учкўприк

Чиройли хулқ

Чиройли хулқ офтобга ўхшайди. Офтоб музни эритгани каби чиройли хулқ ҳам барча ёмонликларни йўқ қилиб юборади. Агар бола ёшлигидан беодоб кишилар ичида катта бўлса, уни бадфёълик иллатидан чиқариб ташлаш анча мушкул бўлади. Бундай болалар обрў

ва виқор қасрини бузиб, ақлидрок бўйнига кишан соладилар. Шу боисдан оқиллар, одоб шундай тўтиёки, унинг гардидан инсон кўзи равшанлашиб, қалбидан заифлик иллатлари йироқлашади, дейишган.

Фарзандларимизнинг мурғак, беғубор қалбларига одамийлик фитратига муносиб гўзал одоб уруғини сочайлик. Ўшандагина уларда ўзимиз йўқотган меҳроқибат меваларини кўришимиз мумкин.

Элбек БОҚИЕВ,
Уреум

Шунчалар мушкулмикан?

Дўконлар олдида қалдирғочдек тизилиб, ўтган-кетганни ғийбат қилиб ўтирган ёшларни, чойхоналарда эртадан-кечгача шахмат, қарта, нарда ўйнаб ўтирган кексаларни кўриб, ўйланиб қоласан киши. Маънавий қашшоқлик, қалбнинг занглаши, бадан ялқовлиги ҳозир шу даражага етдики, ҳатто Аллоҳ таоло ато этган улғ неъмат умрнинг беҳуда совуриллаётганини ҳам англамай қоляпмиз.

Ахир, бу имтиҳон дунёси боқий ҳаёт олдида чақмоқ умридек бир лаҳза эмасми? Охиратда ҳисоб-китоб муқаррарлигини англаш шунчалар ҳам мушкулмикан, азизлар?!

Абдулҳафиз МАВЛОНОВ,
Наманган вилояти



Парвадигор эгам барча меваларни, дарахт япроқлари остига яширганидек, «сабр» меваси «шукр» япроқлари остига беркитилган деб биламан. Имоннинг етти шартидан бири тақдирга ишониш. Тақдиримиздан нима кўрсак, унга рози бўлмоғимиз керак.



ТАЖВИДДАН СИНОВ

20. Идғом қондасини татбиқ этса бўладиган сўз бирикмасини топинг:

- А) يَوْمٍ عَقِيمٍ
- Б) خَاوِيَةٌ عَلَىٰ
- В) وَمَا أَرْسَلْنَا
- Г) رِزْقٍ كَرِيمٍ
- Д) مَرِيَّةٍ مِنْهُ

21. Куръони каримда Идғом қондасидан истисно қилинган тўртта сўздан иккитаси қатнашган қаторни топинг:

- А) إِنَّ — دُنْيَا — بِذُنُوبِهِمْ
- Б) مِنْ — مُنْزَلُونَ — صِنْوَانٍ
- В) كُنُتُمْ — قَنُونَ — دُنْيَا
- Г) تَنْزِيلٍ — أَنْزَلَ — عَنْهُ — أَنْتُمْ
- Д) تَنْزِيلٍ — أَنْزَلَ — عَنْهُ — أَنْتُمْ

22. Ихфо ҳарфларининг сони:

- А) 16 та.
- Б) 17 та.
- В) 18 та.
- Г) 19 та.
- Д) Тўғри жавоб йўқ.

23. Изҳор ва Идғом ҳарфлари биргаликда жой олган қатор қайси?

- А) ء ح ي ل ه ن ر ع خ غ م و
- Б) د ف ء ح ه ي م ن س ط
- В) ب ت ج ح خ ه ع غ س ش ذ ذ
- Г) ر ز س ش ي م ن و ل ء خ ج
- Д) ب ث ح ي ه م ن و د ذ ر ز

24. Сукунли «ним»даги қондалар сони тўғри кўрсатилган қатор:

- А) 6 та.
- Б) Сукунли «нун»дагича.
- В) 8 та.
- Г) Сукунли «нун»дагидан 1 та кўп.
- Д) 3 та.

25. Сукунли «ним» ҳарфи «жим» ҳарфига йўлиққанида қайси қонда юз беради?

- А) Гуннали идғом мислайн.
- Б) Изҳор шафавийа.
- В) Иқлоб.
- Г) Идғом.
- Д) Ихфо шафавийа.

26. Қалқала ҳарфларига тўлиқ қатор қайси?

- А) د ج ب ف ظ
- Б) ط ب غ ق د
- В) ظ ف ب ج د
- Г) ذ س ق ط ب
- Д) د ج ب ط ق

27. Қалқала ҳарфлар сукунли бўлганида нима сабабдан тебратиб ўқилади?

- А) Чиройли эшитилиши учун.
- Б) Аниқроқ эшитилиши учун.
- В) Тажвид илмида шундай белгилаб қўйилгани учун.
- Г) Айтишга осон бўлиши учун.
- Д) Талаффуз этилганида бошқа товушга ўхшаб қолмаслиги учун.

28. «Мад»нинг маъноси:

- А) Ҳарфни чўзиб ўқиш.
- Б) Товушни чўзиб ўқиш.
- В) Сўзларни бир-бирига улаш.
- Г) Ҳарф ва товушларни бараварига чўзиб ўқиш.
- Д) Сўзларни имкон борича чўзиб ўқиш.

Акмал АВАЗ
тузди.

РИСОЛАТ ДУНЁСИГА ОШНОЛИК

“Энг гўзал калом Аллоҳ таолонинг муқаддас китобидир. Аллоҳ кимнинг юрагини ушбу китоби билан зийнатлантурса, куйфрдан қутқариб, ҳидоятга йўлласа ва у Аллоҳнинг китобини бандаларнинг сўзларидан устун қўйса, саломатга, саодатга эришибди демакдир. Чунки у сўзларнинг энг гўзали, энг таъсирчанидир... Аллоҳ севган нарсани севинг. Аллоҳ таолони чин юракдан, бутун борлигингиз билан севинг. Аллоҳнинг каломидан, уни зикр этишдан зерикманг. Қалбингиз нафсингизга асир тушмасин”.

Ушбу сатрларни ўқир эканман, қалбим илиқ туйғуларга тўлади. Сўнмас нуруни Ўзининг севикли ҳабиби Муҳаммад, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, орқали ер юзига ёйган Буюк Аллоҳнинг чексиз қудратига ҳайратдан тиллар лол қолади. Ҳислар уммони жўшади. Тафаккур ришталари таранглашади.

Саҳифаларга кўз ташлайман. Ундаги воқеликлар тасвири ўзига ром этади: “Аллоҳни севувчи инсонларнинг қалбларига унинг севгиси жойлаштирилади». Бу: “Аллоҳим ўзинга меҳр-муҳаббатимни зиёда қилгин. Расулинг Муҳаммадни, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, севувчи бандаларинг қаторига қўшгин”, дея қилинган дуолар ижобатмикин?! Ёки Аллоҳнинг ва Расулulloҳнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, севгиси ила ёниқ қалб соҳибларига тақлидмикин?! Билмадим. Ҳануз қалбимда шу севгининг қувонч ва тотли лаззатини ҳис этаман.

Қўлимда машҳур турк олими Аҳмад Лутфийнинг “Саодат асри қиссалари” китобининг иккинчи жилди — “Ойдинликлар сари”. Унинг сўнгги саҳифаларини ёпар эканман, бутун вужудимни ёқимли туйғулар, тасалли ҳислари чулғаб олди. Маънавий булоққа ташна қалб бир оз қонгандек бўлди. Бу Рисолат дунёсига ошно қалбнинг қувончи ва туйган лаззати эмасмикин? Ўйга толдиргувчи илоҳий туйғулар мени яна бутун оламлар сарвари Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, муборақ ҳаётлари ва нубувват йиллари даврига ҳаёлан етаклайверади, етаклайверади. Ёрқин саҳифаларни қайта-қайта ўқигим келаверади, келаверади.

Бу китоб мени исломиятга янада қаттиқроқ боғлади, Пайғамбаримиз Муҳаммаднинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, оламларга татигулик ибратли ҳаётларини яхшироқ англай бошладим. Қалблари Аллоҳнинг таърифсиз ишқи ила зийнатланган Расулulloҳнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, нубувват йўллари билан танишар эканман, Ҳақ

йўлнинг нақадар машаққат ила топилганига, Исломинсонларни яхшилиқлар сари етакловчи ойдин йўл эканига амин бўлдим. Инсоният фақат шу йўлда ҳақиқий ҳаёт тарзини барпо этажак, иншааллоҳ!

Асли касбим муаллимлик, она тили ва адабиётдан сабоқ бераман. Касбим тақозосига кўра, кўп мутолаа қиламан. Айниқса, ўқувчилик, сўнгра талабалик йилларимда ўзбек ва хориж адибларининг насрий асарларини кўп ўқиганман. Улардан фарқли ўларок, “Саодат асри қиссалари” одамни воқеликлар тафсилоти билан таништирибгина қолмай, балки айнан ўша жараён ичига ҳам етаклаб олиб киради. Инсонларнинг энг азизи ва муқаррами бўлган Пайғамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, билан ҳаёлан ёнма-ён борасиз. У зотга, содиқ саҳобаларига ҳавасингиз ортади. Мутолаа жараёнида улар билан боғлиқ ҳар бир воқеанинг иштирокчисига айланасиз. Айниқса, Пайғамбаримизнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, таваллуд онларидаги ҳолатлар, у зотнинг сийратлари, ҳижратлари ҳақидаги бадий ифодалар ниҳоятда ҳайратлантиради. Бу китобни ўқигач, илгари ҳеч бир туймаганим мутолаа лаззатини ҳис этдим.

Тўғриси, бундан бир неча ой муқаддам ушбу китобнинг биринчи жилди (“Интизор қутилган тонг”)ни ўқиб чиққанимдаёқ қалбимга руҳоний ҳислар сизиб кираётганини туйган эдим. Иккинчи китобни қанчалик сабрсизлик билан кутганимни билсангиз эди?! Энди китобнинг учинчисини кутяпман. Умидим — Рисолат тарихини ўрганиш, Аллоҳ ва унинг расули Муҳаммадни, алайҳиссалом, ғойибона севиш бўлди десам, балки ишонмасиз. Наҳотки биргина китоб шунчалик таассуротларга бой этса?! Наҳот ундаги воқеликлар тасвири шу қадар қалбни тўлқинлантирса?! Чунки... бу китоб инсонларни Ҳақ йўлдан воқиф этибгина қолмай, балки уларни Аллоҳга ва суннати набавияга яқинлаштиради. Зеро, мўмин учун Аллоҳга юзланишдек буюк бахт борми дунёда!

Илоҳий ишқ қуршовида Аллоҳ ҳузурида бош эгаман. Ҳалигина ўқиганим: “Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ғаройиб сафарнинг (меърожга кўтарилиш), Мавло ҳузурига боришнинг маънавий ҳузурини туядиган бўлдилар. Ҳар намоз у зот учун ўзига хос бир меърожга айланди. Холис ният ила Роббининг ҳузурида қоим бўладиган ҳар бир мўмин учун ҳам намоз бир меърождек бўлиб қолди”, сўзлари дилимга муҳрланиб қолади. Сўнг оҳиста дуога қўл очаман. Юракнинг туб-тубидан сизиб чиқаётган туйғуларга қоришиқ дуо тилимда такрорланаверади:

“Аллоҳим, Сени зикр этишим, Сенга шуқр қилишим, Сенга чиройли ибодат қилишим учун менга мадад бер!”

Маҳмуд ҚАҲҲОРОВ,
Китоб шахри

Садриддин САЛИМ БУХОРИЙ

Дилни қотиш дардидан асра

Шукрона

Инсонларнинг орасини бузувчи,
Шикоят юмалоқ хат ёзувчи,
Бадбахт, дилозор этмагани учун
Аллоҳга шукр!

Қалби қаттиқ, бахил этмагани учун,
Бефаросат, жоҳил этмагани учун.
Беномус, беор этмагани учун,
Аллоҳга шукр!

Омадлини кўрса ғам чекадиган,
Адоват, кек уруғини экадиган,
Бадбин, бадкирдор этмагани учун
Аллоҳга шукр!

* * *

*Сизни ўлди, деб айтдилар,
Хайрият, тирик экансиз...*

Менинг борим нечун сенга ғам бўлди?
У ўлди деб айтиб кўнглинг жам бўлди.
Садриддин-ку тирик, оҳ, ўлса агар,
Билки, битта дуоғўйинг кам бўлди.

Мен ўлсам гар, ноним қоларми сенга?
Мерос бўлиб номим қоларми сенга?
Ўлишга-ку ўлажакмиз ҳаммамиз,
Мен ўлсам гар, шоним қоларми сенга?

Жаҳон кенгдур, наҳот сенга тор бўлса?
Сигмагайми бир Садриддин бор бўлса?
Ер устида макон талашган, не тонг,
Ер остида парча ерга зор бўлса?

Менинг бору йўғимдан сенга не наф, не зарар?
Менинг кулу чўғимдан сенга не наф, не зарар?
Тупроқ эдим, тупроққа яна айлангум бешак,
Менинг қабру туғимдан сенга не наф, не зарар?

Менга кулфат тилаганга роҳат, хузур тилайман,
Менга заҳмат тилаганга бахту сурур тилайман.
Ким бировга не тиласа, ўзига қайтар бешак,
Менга ўлим тилаганга узоқ умр тилайман.

* * *

Қалбимни бердим Сенга
Менда ихтиёр йўқдир!
Сабримни бердим Сенга
Менда ихтиёр йўқдир.

Кўз ёшларим сел каби
Оққани оққан, войким.
Абримни бердим Сенга,
Менда ихтиёр йўқдир.

Садриддиннинг ҳолига
Кулганлар кулсин, майли,
Садримни бердим Сенга,
Менда ихтиёр йўқдир.

* * *

Юрагим, шукрона эт
Шокирларни севгай Ҳақ!
Ишни фақирона эт,
Фақирларни севгай Ҳақ!

Ҳар не тушса бошингга,
Тақдирдан бил, ложарам.
Кўз ёшни дурдона эт,
Собирларни севгай Ҳақ!

Ғаму шодликда бирдай
Зикрни айла такрор.
Байтуллоҳни хона эт,
Зокирларни севгай Ҳақ.

Садриддин, ғафлат билан
Умринг ўтди, во дариг,
Тавбани мардона эт,
Ҳақирларни севгай Ҳақ!



* * *

Авлиёлик сабрдир,
Сабр нафсга жабрдир.
Сўнгги бекатда висол,
Висол йўли қабрдир.

* * *

Бекор ётиш дардидан асра,
Дилни қотиш дардидан асра.
Бировларнинг омадин кўриб,
Ғамга ботиш дардидан асра.



* * *

Ажал бир-бир шоҳ-гадони
Ер остига йиғади.
Ер устига сизмаганлар
Ер остига сиғади.

Донони ҳам, нодонни ҳам
Ер остига у тикар.
Полвонларни йиқитганни
Ажал бир кун йиқитар.

Ҳасад, тухмат этганлар ҳам
Ер остида тинади.
Ажал улар оғзин боғлаб,
Устларига минади.

Қоча олмас ҳеч бир киши
Ер ости хатаридан.
Аё қалбим, тайёр тургин
Ер ости сафарига...

Ажал бир-бир шоҳ-гадони
Ер остига йиғади.
Ер устига сизмаганлар
Ер остига сиғади.

Бухоро



Ғулум БОБОЖОН

Яхшилик

Яхшилик қила олмайсан,
Самимий бир яхшилик.
Пинҳона истакларинг
Кўзларингдан билиниб қолар.

У марварид ажратиб олаётган бўлади,
Бирдан қўлингдаги олтин кесакка айланади.
Сен уялиб кетасан,
Унинг қўлидаги
Чиғаноққа
Яшириниб олгинг келади...

* * *

Қуёшга қараб
Сир бой бермадинг.
Ерга тушган соянг эса
Сенга ҳам қуёш
қараётганини дараклар эди...
Демак, сен ҳам
Яшашинг керак
Осмон, қуёш билан сирлашиб...

* * *

Судралиб бўлса ҳам олға юр,
Чунки мақсад йўлида йиқилдинг.
Манзилга етмай қолса-да умринг,
Судралавер.
Тупроққа айлан,
Кимдир давом этар-ку, ахир
Сен келган жойдан.



Султон РАСУЛИЙ

Ўйлагайман

Бу мушкулни ким ечар деб ўйлагайман,
Гуноҳлар кўп — тоғ ошар деб ўйлагайман.
Савоб ишлар эътибордан қолди четда,
Энди ҳолим не кечар деб ўйлагайман.

Яхшиларнинг ибратини кўзга илмай,
Охиратим учун савоб ишлар қилмай,
Каломуллоҳ оятларин ўқиб билмай,
Энди ҳолим не кечар деб ўйлагайман.

Дам ганимат, шижоат қил энди эркин,
Дин ишига керак бўлса, жонинг бергин,
Эй Расулий, эл кўнглини овлайвергин,
Шунда ҳолим не кечар деб куймагайсан!

Тошкент

МАСИҲ ДАЖЖОЛ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.)

Ғайритабиий ишлар кўрсатиши тўғрилиқка далолат эмас

Ислом олимларининг бу мавзудаги фикрлари қуйидагича:

“Ҳақ таолонинг бир киши воситасида фавқуллода ҳодиса ва кароматларни кўрсатиши у кишининг валий эканлигига далолат этмайди” (Қуртубий, Ибн Касир).

Ибн Касир дейди:

“Баъзи олимлар ҳам айтганларидек, ғайритабиий воқеалар ва кароматлар баъзан фожир ёки кофир қўли билан ҳам амалга ошиши мумкин”.

Ҳадиси шарифларда ишорат этилишича, Дажжолнинг баъзи мўъжизаларни кўрсатиши унинг тўғрилигига далил эмас. Дажжол амалга оширадиган баъзи ғайритабиий воқеаларни кўриб чиқсак:

1. Осмонга амр этиши ва ёмғир ёғиши.
2. Ер юзига амр этиши ва майса-ғиёҳларнинг униши.
3. Ер юзидаги хазиначиларнинг Дажжолга эргашиши.
4. Бир йигитни ўлдириб, қайта тирилтириши ва ҳоказо.

Юнус ибн Аъло ал Садафий шундай дейди:

«Имом Шофеъийга, раҳматуллоҳи алайҳ, Лайс ибн Саъд:

— Сиз бир одамнинг сув устида юраётганини кўрсангиз, унинг бу ҳолати Китоб ва суннатга тўғри келмаса, аҳамият берманг, — деди.

Имом Шофеъий ҳазратлари шундай буюрдилар.

— Лайс бу хусусда юмшоқ гапирди. Бильакс, киши сувда юрса, ҳавода учса, унинг бу ғайритабиий ҳолати Китоб ва суннатга тўғри келмаса, ҳеч аҳамият берманг.

Ибн Каъсир Аҳзоб сурасининг 40-оятдаги “ва хотамун набийин” жумласини шундай тафсир этди:

“Аллоҳ таоло Ҳазрати Муҳаммадни, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, пайғамбар қилиб

юбориши Унинг қулларига бўлган раҳматидир. Ҳазрати Пайғамбарнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, пайғамбарларнинг охиргиси бўлиши ҳам Ҳақ таолонинг қулларига бўлган шон-шарафидир. Ханиф динини у билан хотимага етказиши қулларига бир эҳсон ва лутфдир. Аллоҳ таборак ва таоло ўзининг каломи Қуръони каримда Муҳаммад Мустафодан, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, кейин бошқа пайғамбар келмаслигини билдирган. Унинг охирги элчиси Пайғамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ҳам мутавотир ҳадиси шарифларида бу ҳақда билдирганлар». Бу билдиришдан мақсад кимки Ҳазрати Пайғамбардан, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, кейин пайғамбарликни даъво қилса, унинг ёлғончи ва тухматчи эканидан хабар беришдир. Кимки сўнгги пайғамбардан, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, кейин пайғамбарликни даъво қилиб чиқса, у дажжолдир, адашган ва адаштирувчидир. Гарчи бу шахс ажойиботларини кўрсатсин, кароматлар қилсин. Гарчи у ғайритабиий сеҳр ва тилсимлар билан келсин, буларнинг бари муҳолдир. Ақл эгалари буларнинг барчасини ёлғон ва ҳийла эканини жуда яхши билдилар.

Ҳақ таоло бу хусусда қулларини имтиҳон қилиш учун, Яманда зуҳур этган Асвадий ва Ямомада чиққан Мусайламатул Каззобга ажойиботларни амалга ошириш имкониятини берган. Бу каби ғайритабиий нарсалар ҳақиқий Дажжол чиққунига қадар давом этади. Охирзамон фитнаси Масиҳ Дажжол келганида фитна катталашиб, имтиҳон қийинлашади.

Охирзамон фитнаси Масиҳ Дажжол ва барча катта-кичик дажжолларнинг умумий хусусияти бор. Ақл соҳиблари уларни бу хусусиятидан дарҳол таниш имкониятига эгалар. Бу дажжоллар амри маъруф ва наҳйи мункар қилмайдилар. Фақат манфаатларига тўғри келган услубдан фойдаланадилар ва ўзлари билганларини ўқийдилар. Бу ишлари пайғамбарларнинг ишларига зид ҳаракатдир.

Пайғамбарлар яхшиликка бошлаб, ёмонликдан қайтарганлар. Улар тўғрилиқ соҳибидирлар. Уларнинг ягона вазифалари инсониятни қутқариб, ер юзини Аллоҳ, жалла жалолуҳу, буюрганидек таъмирлашдир».

Дажжол, Иблис ва қарама-қаршиликлар

Абу Ҳурайра, розийаллоҳу анҳу, ривоят этган ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, шундай буюрдилар:

“Сизлардан кимки сояда ўтирганида, соя ундан озгина тортилса (яъни, ярми қуёшда, ярми сояда қолса), дарҳол у ердан турсин”.

Абу Довуд ривоят этган бир ҳадисда қуйидагича ифодаланган:

“Аллоҳ Расули, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, кишининг соя ва қуёш орасида туришини ман этдилар”.

Бундай жойларда туришни ман қилишнинг ҳикмати нимада?

1. Киши ўз танасида фарқли хусусиятга эга бўлган икки нарсани жамламаслиги лозим. Мўмин бир пайтда ҳам мусулмон, ҳам кофирга ўхшаб кўринолмайди. Акс ҳолда, бу ҳолат унинг имонини задалайди ва ундан хайр кўрилмайди.

Ярми сояда, ярми қуёшда бўлган киши том маънода на қуёшдан истифода этади ва на соядан. Демак, киши икки ишдан бирини танлаши керак. Зотан, Аллоҳ Расули, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ҳам муборак ҳадисларида шуни буюряптилар. Бироқ ҳадисдаги бу маъно билан чекланмаслик керак. Бу борадаги яна бир изоҳ фойдадан ҳоли бўлмади.

2. Шайтонлар ҳадиси шарифда ман этилган ерларда яшаш билан маълум бир қувватга эришади. Ҳеч бўлмаса, бундай ерлардан завқланади. Жаноби Пайғамбар, алайҳиссалом, имон келтирган мўминларнинг шайтонларга ўхшашларини истамаганлар. Шу сабабли бир-бирига зид қутбларда туришдан мўминларни қайтарганлар.

Бошқа бир сабаб, бундай жойларда турган инсонларнинг шайтонлардан зарар кўришларидир.

Бу каби ерлар шайтонлар учун жуда бебаҳодир. Шайтонлар бу бебаҳо жойни инсонлар билан бўлишишни хоҳламайди. Ёки бир-

бирига зид жойларда шайтонлар инсонларга кўпроқ зарар беришлари мумкин.

Дажжол билан жондан азиз дўсти иблисинг (лаънатуллоҳи алайҳумо) феъл атворлари уйғунлашиб кетган. Иссиқ-совуқ, соя-офтоб, қуруқ-нам каби бир-бирига зид жойларнинг ўрталарида бўлиш Дажжол ва иблисга куч қувват беради.

Бу қувват жисмоний ёки руҳий экани ҳозирча бизга номаълум. Бироқ Дажжол билан Иблис ўртасида боғланиш борлиги аниқ.

Дажжолнинг чиққанини билганлар ундан узоқлашсин

Имрон, розийаллоҳу анҳу, ривоят қилган ҳадиси шарифда Ҳазрати Пайғамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, шундай буюрганлар:

“Кимки Дажжолнинг чиққанини эшитса, ундан узоқлашсин. Аллоҳга қасамки, киши ўзини мўмин деб ҳисоблаб (ўзига ишониб), унинг олдида боради ва Дажжолнинг шубҳали сўзларига ишониб, унга эргашади” (Имом Аҳмад, Абу Довуд, Ҳоким).

Энг тўғри тадбир таҳликага яқинлашмасликдир. Албатта, касалликка чалиниб бўлгач, даволангандан кўра, касалликка чалинмаслик яхшироқ ва ишончлидир.

Дажжол атрофга микроб сочувчи таҳлика манбаидир. У ўзига итоат қилишга мажбурловчи бир қанча шайтоний ҳунар ва томошалар кўрсата олади. Инсонда ғайритабиий нарсаларга майл, рағбат бор. Шу боис жуда хушёр бўлишга мажбурмиз. Балки бу борада бутун инсоният талабчан бўлолмаслиги мумкин. Бироқ вазият қандай бўлишидан қатъи назар, мусулмон сергак туриши керак. Дажжол чиққанида Пайғамбарининг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, сўзига қулоқ солиб, Дажжолдан узоқлашади. Чунки бебаҳо бойлиги бўлган имонини йўқотиб қўйиш, Аллоҳ ризоси учун қилган ғайрати ва ҳаракатларини бир зумда қўлдан чиқариш таҳликаси ёнма-ён турибди.

Хавф-хатар баъзан устига бостириб бориш билан бартараф этилса, баъзан ундан узоқлашиш билан даф бўлади. Шуниси яхшироқдир.

(Охири келгуси сонда.)

ИБРОҲИМ, алайҳиссалом, ҚИССАСИ

(Бошланиши 16-бетда)

Бу билан улар маъбудларининг эшитмаслигини, бўлаётган воқеаларни билмаслигини ва ўзларини тажовузкорнинг тажовузидан, ҳийлагарнинг ҳийласидан ҳимоя қилишга ожиз эканлини мутлақо эътироф этишган эди.

Иброҳим ҳақиқат ойдинлашганидан сўнг ҳам ботилни қаттиқ ҳимоя қилиш жоҳилликдан бошқа нарса эмаслигини уқтириш мақсадида:

— Аллоҳни қўйиб, бирор фойда ҳам, зиён ҳам келтира олмайдиган бутларга сифинасизларми?! Ҳайф бўлсин сизга ҳам, сизлар сифинаётган бутларга ҳам! Наҳотки ақлларингиз бўлмаса?! — деди.

Аммо кўзларини жаҳолат пардаси кўр қилиб қўйгани, қулоқларини том битиргани ва қалбларини муҳрлаб қўйгани сабабли улар ҳақиқатни кўролмас, юракдан ҳис қилолмас эди. Иброҳимни енгиш учун бирор далил-исботлари ҳам қолмаган эди. Ботил ишларини хаспўшлаш учун баҳс-мунозара йўлидан воз кечиб, зўравонлик йўлини ихтиёр қилишди ва:

— Иброҳимни ёқиб юборинглар! Шу йўл билан илоҳларингизга ёрдам қилинлар! — дейишди.

Иброҳимнинг ўтга ташланиши

Иброҳимнинг, алайҳиссалом, Аллоҳни ягона деб билиши, Унга имон келтиришга даъват қилиши мансабдор ва давлатманд одамларнинг кўзларидан уйқуларини қочириб юборган, дилларига ғулғула солган эди. Чунки унинг даъвати боис халқ бою амалдорларнинг истибдодидан қутулишлари, уларнинг ёлғон даъволаридан воқиф бўлишлари, адолатсизликка қарши чиқишлари мумкин эди.

Иброҳимни қандай ёқиш керак, деган савол одамларга тинчлик бермас эди. Мушрикларнинг зодагонлари уни сийналарида ловиллаган ғазаб ўтига тенг оловда ёқишни истар эдилар. Улар бир дона чўғ бутун бир шаҳарни ёндириб, қулини кўкка совуришини яхши билар эдилар. Одамларни ҳар тарафдан ўтин йиғиб келишга буюрдилар. Ҳамма ғайрат билан ўтин йиғишга киришди. Ҳатто бир бемор мушрика аёл, касалдан тузалсам, Иброҳимни ўтда куйдириш учун бир боғ ўтин йиғиб бераман, деб назр қилган эди. У ҳам бир боғ ўтин келтирди.

Ўтинлар тоғ бўйи бўлиб уюлди, сўнгра уни ёқиб юбордилар. Қуруқ ўтинлар тез аланга олиб, олов ҳамма ёқни ёрита бошлади. Оёқ-қўллари кишанланган Иброҳимни ўтга отишди. Улар Иб-

роҳимни не-не азобда ёниб қулга айланади деб ишоншарди.

Аммо Иброҳимнинг қалби имонга тўла, Аллоҳга бўлган ишончи қатъий, ўтдан омон топишига умиди чексиз эди. Шу боис машаққату қийинчиликларни писанд қилмасди. У хотиржам, вазмин ҳолда ўтга рўбарў бўлди. Мана, у лангиллаган оловнинг ўртасида. Одамлар унинг дод-войини эшитиш, азобланиб ўлишини кўриш иштиёқида бетоқат.

Аммо ўт Иброҳимнинг кишанларинигина куйдирди, холос. Аллоҳ унинг ҳароратини ўчирди ва куйдириш хусусиятини йўқотди, ўтни Иброҳим учун салқинлик, омонликка айлантирди.

Ўт-аланга сўниб, тутунлари тарқагач, одамлар Иброҳимни соғ-саломат кўриб даҳшатга тушишди, ҳайратдан ёқа ушлашди. Баъзи зодагонлар эса, одамлар кўзида шарманда бўлиб, уйларига қайтиб кетишди.

Шундай қилиб, Аллоҳнинг мўъжизаси — Унинг ҳамма нарсага қодирлигини исботловчи воқеа содир бўлди.

Шунда ҳам одамларнинг аксарияти дунё ҳаёти ва айшу ишратини афзал кўрди. Бошқалар эса, кофир-динсиз раҳбарлари зулмидан кўрқиб, Иброҳимга эргашишдан бош тортди. Фақат озчилик одамларгина Иброҳимга имон келтиришди ва бутпарастларнинг ёмонликларидан сақланиш учун имонларини яшириб юришга мажбур бўлишди.

Иброҳим ва Намруд

Бу мўъжиза хабари даҳшатли тўфондай шоҳ Намрудга етиб келганида, у ўзини қўярга жой тополмай, саросимага тушди, асабийлашди. Намруд Иброҳимни ҳузурга чақиртирди ва ундан кўзини узмай, кетма-кет саволлар ёғди-ра бошлади.:

— Эй Иброҳим, сен қандай фитналарни кўзгаб юрибсан? Одамлар орасида аланга чиқаришдан мақсадинг нима? Сен даъват қилаётган илоҳ ким? Мендан бошқа илоҳликка муносиброқ, мендан кўра мақому мартабада юқорироқ бирор зотни биласанми? Кўриб турибсанки, барча ишларнинг тақдири менинг измимда. Истасам бузаман, истасам тузатаман. Менинг фармоним барчага вожиб. Одамларнинг орзу умидларини рўёбга чиқариш менга боғлиқ. Нега маъбудларни яксон қилиб ташладинг? Роббинг ким бўлибдики, одамларни унга ибодат қилишга даъват этасан?

Бундай саволларни пайғамбарона сабр би-

лан тинглаган Иброҳим, алайҳиссалом, ўта бо-
сиқ, вазмин туриб, фасоҳатли тилда:

— Менинг Парвардигорим шундай зотки,
фақат Угина менга жон ато қилган ва фақат
Угина мени ундан маҳрум қилади. Халқни ҳам,
тирик оламларнинг барчасини ҳам ёлғиз Унинг
ўзи яратади, уларга ҳаёт бахш этади ва керак
бўлганида уларнинг жонларини олади, — деди.

Бу жавоб Намрудни жунбушга келтирди,
иззат-нафсига тегди ва ғазабини қўзғатди. У ўз
даъвосини исбот қилиш учун деди:

— Мен ҳам одамларга жон ато қиламан. Дей-
лик, бир одам жиноят қилди ва ўлимга маҳкум
этилди. Унинг боши узра ўлим шарпаси пайдо
бўлади. Мен уни афв этаман, жонидан мутлақо
умид узиб, бор-йўғидан ажраб қолай деб тур-
ган одам яна ҳаёт шабадасидан баҳра ола бош-
лайди. Демак, мен унга жон ато қилдим. Ам-
римга итоат этмагани эса ўлимга маҳкум эта-
ман. Уни тезда қатл этадилар. Демак, мен унинг
жонини оламан. Кўриб турибсанки, сенинг ило-
ҳингдан ҳеч қандай кам жойим йўқ...

Иброҳим, алайҳиссалом, яна оҳиста жавоб
қилди:

— Аллоҳ қуёшни яратиб, унинг ҳаракати
учун маҳсус низом белгилаб қўйган. Шунга кўра
у шарқдан чиқади. Агар сен ўзинг даъво қилган-
нингдек, ҳар нарсага қодир бўлсанг, Аллоҳ бел-
гилаган низомни ўзгартириб, қуёшни ғарбдан
чиқариб қўйгин-чи!

Бу саволдан Намруд даҳшатга тушди. Чунки
бу савол боис ёлғон даъволари, гумроҳ ва жо-
ҳиллиги ошкор бўлган эди. Иброҳимнинг бу так-
лифи Намрудни эсанкиратиб қўйди. У энди тах-
тининг қулашидан, ҳукмронлик қалъасининг
пойдеворлари бузилишидан хавотирга туша бош-
лади. Аммо у негадир ичидаги кучли нафрат ва
ғазабни ошкор қилмади, Ортдан айғоқчи-куза-
тувчилар тайинлаб, уни қўйиб юборди. Фурсати
келганидагина ундан қасос олишга қарор қилди.

Намруд кундан-кунга Иброҳимга, алайҳис-
салом, ҳар томондан тазйиқни кучайтирди. Зулм
тобора ортиб боргани боис Иброҳим, алайҳис-
салом, тўғри йўлга даъвати ривож топадиган,
самимий насиҳатлари ҳосил берадиган бошқа
юртга ҳижрат қилиш тадоригини кўрди.

Иброҳим, алайҳиссалом, Аллоҳ томонидан
ҳидоят келганидан ва илоҳий далил-ҳужжатлар
билан исбот топганидан кейин ҳам имонга кел-
маган, натижада уларга Аллоҳнинг азоби му-
қаррар бўлган қавмини тарк этиб, Фаластинга
кўчиб кетди.

Абдуқаҳҳор ШОШИЙ
таржимаси

Бир тепалик ёнида жилдираб оқадиган ирмоқ
ва кичик-кичик кўллар бўлиб, уларнинг бирида учта
балиқ яшар эди. Балиқларнинг бири ақл-фаросат-
ли, тадбирли ва узокни кўзлайдиган эди. Иккин-
чиси ақли бўлса ҳам, ўз ўрнида ишлата олмас,
тахликаларга совуққонлик билан қарар эди. Учтин-
чиси эса беғам, бефаросат, лоқайд ва дангаса эди.

Бир куни икки балиқчи кўл ёнидан ўтиб кетаё-
тиб, уларни кўриб қолди. Шунда бири дўстига: “Ҳой
дўстим, тўрни олиб келиб, шу балиқларни тутиб
оламиз”, деди. Бу сўзларни эшитиб турган бирин-
чи балиқ келадиган балони англаб етди, вақтини
ўтказмасдан ўзини ҳар томонга ура бошлади ва
ниҳоят, кўл билан ирмоқни туташтириб турган
ариқчани топиб, кўлдан чиқиб кетди.

Уч балиқ



Иккинчи балиқ ҳар доимгидек ақлини ишлат-
мади ва: “Нима бўлса ҳам бир амаллаб қутулиб
кетаман”, деб ўзини овутиди, бир чора кўришни
орта сурди.

Бир оздан сўнг кўлларида тўр тутган балиқчи-
ларни кўриб қолди, ўзига келиб, биринчи балиқ
ўтиб кетган ариқдан ўтмоқчи бўлди. Лекин балиқ-
чилар у ариқчани беркитиб қўйган эдилар. Энди
у: “Ўзимни ўзим овутиб хато қилдим, ўзимни ўзим
алдадим. Шундай бўлса ҳам, ақл ишлатсам, қуту-
лиш йўлини топа оламан. Умид узмаслик керак”,
деди. Шундай деб, ўзини ўлаётганга солиб, сув
юзига чиқди ва у ёқ-бу ёққа ўзини ташлаб, типир-
чилади.

Балиқчилар уни сувдан олиб: “Ҳозир ўлади, ҳеч
қаерга қоча олмайди”, деб, кўл билан ирмоқ ора-
сидаги қуруқликка ташлаб қўйдилар. Балиқ қуруқ-
ликда бир оз ётиб, бор кучи билан силтаниб, ти-
пирчилаб ирмоққа тушиб олди ва қутулиб кетди.

Хатарнинг жиддийлигини жуда кеч англаган
учинчи дангаса балиқ эса, балиқчиларнинг наза-
ри остида у ёқ-бу ёққа сузди-сузди, аммо сўнги
пушаймон фойда бермай, тўрга илинишдан ўзи-
ни қутқара олмади.

Фазлиддин ТОЖИДДИНОВ
таржимаси



“Энди Од (қабиласи)га келсак, бас, улар ер юзида ноҳақ кибр-ҳаво қилдилар ва “Куч-қувватда бизлардан зўрроқ ким бор?” дедилар. Ахир улар ўзларини яратган Аллоҳ куч-қувватда улардан зўрроқ эканини билмадиларми?! Ва улар Бизнинг оятларимизни инкор қилгувчи бўдилар. Бас, уларга мана шу ҳаёти дунёда расво (хор қилгувчи) азобни тотдириб қўйиш учун наҳсли-шум кунларда устларига бир даҳшатли бўрон юбордик. Охири азоби эса, шак-шубҳасиз, янада расвороқ (хор қилгувчи)дир ва уларга (ўзлари сизини бўртган бутлари томонидан ҳеч қандай) ёрдам берилмас”(Фуссилат, 15–16, мазмуни).

да Ирам Однинг бобоси экани қайд этилган. Демак, Ирам шаҳрининг унга изофа этилгани ва биринчи Од қавмига тегишли экани аҳтимолга яқинроқ.

Бир қанча тарихчи ва муфассирларнинг фикрига кўра, Од қавми яшаган жўгрофий минтақа Ямандир. Бу қавм Ямандаги Умон ва Ҳадрамут оралиғидаги минтақада яшаган. Куръони каримда ҳам Ҳазрати Худнинг, алайҳиссалом, Аҳқоф диёрига пайғамбар қилиб юборилгани билдирилади: “(Эй Мухаммад), Од (қабиласи)нинг биродарини (яъни, Худ пайғамбарни) эсланг! Ўшанда у ўзининг

дедилар: “Сенинг насиҳат қилишинг ёки ваъз қилувчилардан бўлмаслигинг бизлар учун баробардир” (Шуаро, 136, мазмуни). Исён ва инкорлари учун жазо ўлароқ, Аллоҳ ёмғирларини тўхтатиб қўйди. Натижада уларнинг машҳур Ирам боғлари қуриди. Сўнг улар устига бўронли шамол юбориб жазоландилар. “Бас, қачонки, улар ўша (азоб)ни ўз водийларига қараб келаятган бир қора булут ҳолида кўришгач: “Бу бизларга ёмғир келтиргувчи булутдир”, дедилар. “Йўқ, у ўзларингиз шоштирган нарса — бир бўронки, унда аламли азоб бордир. У Парвардигорининг амри билан барча нарсани вайрон (ҳалок) қилур». Бас, тонг отганда фақат уларнинг уй-жойларигина кўзга ташланар эди. Биз жиноятчи, осий қавми мана шундай жазолаймиз” (Аҳқоф, 24–25; Қамар, 21). Саккиз кун давом этган бу шамол, Куръон тафсирига кўра, Од қавмини чириб, ичи бўшаб қолган хурмо дарахтларидек ердан суғуриб, улоқтирди. “Энди Од (қабиласи)га келсак, бас, улар бир даҳшатли, қутурган бўрон билан ҳалок қилиндилар. У (бўронни Аллоҳ) уларнинг устига пайдар-пай етти кеча ва саккиз кундуз ҳоким қилиб қўйдики, энди у жойдаги қавми чириб, ичи бўшаб қолган хурмо дарахтининг танасидек кулаб ҳалок бўлиб ётганларини кўрурсиз. Бас, улардан бирон (омон) қолгучини кўрармисиз? (Ал-Ҳааққа, 6–8, мазмуни). Худ, алайҳиссалом ва унга имон келтирган мўминлар эса бу фалокатдан қутулиб қолишди: “Бас, унга (Худга) ва у билан бирга бўлган (мўмин) зотларга Ўз раҳмат-марҳаматимиз билан нажот бердик ва Бизнинг оятларимизни ёлғон деган кимсаларнинг думларини қирқдик (ҳалок қилдик). Улар мўмин эмас эдилар” (Аъроф, 72, мазмуни).

ОД ҚАВМИ

Од Нухнинг, алайҳиссалом, эвараси Авсининг ўғлидир. Авсининг отаси Ирам, унинг отаси Саамдир. Ва у Ҳазрати Нухнинг ўғлидир.

Тарихчи ва муфассирлар бу қавми «Биринчи Од» ва «Иккинчи Од» деб икки даврга ажратадилар. Ҳазрати Худ пайғамбар қилиб юборилгани Биринчи Од қавмидир. Наҳм сураси 50-оятда “Ҳақиқатан, У аввали Од (қавми)ни ҳалок этди”, дейилган. Биринчи Од ҳалок бўлганидан сўнг, бу қавмдан омон қолган наслардан Иккинчи Од тарқалган.

Замахшарий ёзишича, Ирам шаҳрининг аҳли кейин тарқалган иккинчи Од қавмидир. Бироқ Куръони каримда иккинчи Од қавми ҳақида очиқ баён этилмаган. “(Эй Мухаммад), Парвардигорингиз (бошқа) юртларда ўхшаша яратилмаган, баланд устунли қасрлар эгаси бўлган Ирам (шаҳридаги) Од (қабиласи)ни қандай (ҳалокатга дучор) қилганини кўрмадингизми? (Фажр, 7–8), деган оятда ҳам бу шаҳар қайси Од қавмига тегишли экани билдирилмаган. Тафсир манбалари-

қумтепалардаги қавмини: “Сизлар ёлғиз Аллоҳгагина ибодат қилинлар! Мен ҳақиқатан сизларнинг устингизда улуг Кунинг азобидан кўркурман”, деб огоҳлантирган эди. Дарҳақиқат, ундан илгари ҳам, ундан кейин ҳам огоҳлантиргувчи (пайғамбар)лар ўтгандир” (- Аҳқоф, 21, мазмуни).

Куръони каримнинг баёнига кўра, Од қавми мухташам саройларга (“Сизлар ҳар бир тепаликка ўйин-кулгу учун бир белги — баланд бино кураверасизларми?! Ва гўё мангу яшаб қоладигандек қасрсаройлар соласизлар?!” (Шуаро, 128, 129), мол-давлат, чорва ҳайвонлари ва тенгсиз боғларга (“У сизларни чорва ҳайвонлари ва ўғиллар билан, боғлар ва булоқлар билан қўллади-ку!” (Шуаро, 133–134) эга эдилар. Шу сабабли гурур ва кибрга берилиб, бутларга сизиндилар, зулм қилиб, ҳаддиларидан ошдилар. Аллоҳ таоло Ҳазрати Худни бу қавмга пайғамбар қилиб юборди. Бироқ Ҳазрати Худ, алайҳиссалом, қавмини огоҳлантириб, Аллоҳнинг уларга берган неъматларини эслатиб, имон келтиришларини сўраганида, улар шундай

Маҳмуд МАҲКАМ
таржимаси

Катта портлаш

Инсоният тарихининг барча даврларида одамларни коинотнинг қандай яратилгани, ҳаракатдами ёки тинч ҳолатда турибдими, ундаги тартиб ва мувозанатни бошқариб турувчи қонунларнинг қай тарзда ишлаши каби саволлар қизиқтириб келган.

Бироқ бундан юз йиллар илгари ҳам олимлар бу масалани ўрганишга катта аҳамият бермаганлар. Чунки XIX асрда илгари сурилган назарияларга кўра, олам доимо бор бўлган ва ибтидоси бўлмаган. То бу кунга қадар олимлар томонидан ҳеч қандай эътирозларсиз,

чегарасигача бўлган кўламда бинафшаранг тус олади. Нуқтадан узоқлашаётган ёруғлик нури эса қизғиш рангга киради. Хабблнинг кузатувлари натижасида юлдузлардан таралаётган нур қизғиш рангга кираётгани аниқланди. Бу жараён юлдузларнинг доимо бир-биридан узоқлашиб бораётганидан далолат берарди. Бир оз вақт ўтгач, Хаббл яна бир муҳим кашфиёт қилди: юлдузлар ва галактикалар, нафақат Ер сайёрасидан, балки бир-бирларидан ҳам узоқлашиб бормоқда эди. Хабблнинг фазодаги доимо бир-биридан узоқлашиб бораётган жисмларнинг кузатувларига асосланиб, олам мунтазам равишда кенгай-

қиёслашимиз мумкин. Ҳаво дамлангани сари пуфак юзасидаги нуқталар бир-биридан узоқлашгани каби, борлиқнинг катталашиб бориши натижасида коинотдаги галактикалар ҳам бир-биридан узоқлашиб боради.

Оламнинг мунтазам катталашиб бориши ҳақидаги исбот талаб этилмайдиган қонуниятни инобатга олган ҳолда, шундай мантиқий хулоса чиқариш мумкин: **Борлиқ ягона бир нуқтадан яратилган.** Ҳисоб-китоблар ҳам бутун ҳамма моддаларни ўзида жам қилган “ягона нуқта”нинг “нўлинчи ҳажм” ва “чексиз зичлик”ка эга бўлиши кераклигини кўрсатди.

Ҳорун ЯҲЁ

ОЛАМНИНГ ЙЎҚЛИКДАН ЯРАТИЛИШИ

баҳсларсиз бу фараз тан олиниб, илгари сурилиб келди. Олам доимо мавжуд бўлган моддаларнинг бирлигидир, деб “яратилиш” тушунчасига мантиқсиз бир назария сифатида қаралди.

Бироқ 1929 йили ўтказилган тажрибалар натижаси фан жамоатчилиги онгида катта шов-шувларга сабаб бўлди. Калифорниядаги Маунт Уилсон расадхонасида осмон гумбази бўйича тадқиқотлар олиб бораётган амриқолик фалакиётчи Эдвин Хаббл буёқ кашфиёт қилди. Улкан телескоп орқали юлдузларни кузатаётган олим уларнинг Ердан узоқлашиш даражасига кўра қизғиш нур таратаётганини аниқлади. Бу кашфиёт XX аср бошида қабул қилинган нотўғри қарашларни йўққа чиқарди.

Физиканинг асосий қонунларига кўра, кузатилаётган нуқта томон ҳаракатланаётган ёруғлик нури спектрнинг кўриниши



1920 йилдан бошлаб олимлар томонидан олинган маълумотлар биз яшаётган олам маълум вақтлар олдин улкан портлаш (Big Bang) натижасида пайдо бўлганлиги исботлади, яъни, Оламни Аллоҳ таоло яратган ва бу олам чексиз эмасдир.

иб бормоқда, деган ягона хулосага келиш мумкин эди.

Мисол тариқасида оламни аста-секин ҳаво билан тўлдирилаётган пуфакнинг юзасига

Демак, фаразан вақтни ортга қайтарсак, олам ана шу «нўлинчи ҳажм»га эга бўлган нуқтанинг портлашидан пайдо бўлгани аниқланади.

Оламнинг яратилишига асос бўлган бу кучли портлаш назарияси илмда “Катта портлаш” (“Big Bang”) деб номланди.

Агар “нўлинчи ҳажм”нинг **Йўқлик** эканини ҳисобга олсак, демак бутун **Борлиқ Йўқликдан** яратилган, шу аснода олам вужудга келган бўлиб чиқади. Бу далил оламнинг ибтидоси бўлганини ва моддиюнчилар таъкидлаб келаётган «борлиқ» доимо мавжуд бўлган ва «бошланиши йўқ» деган фикр нотўғри эканини исботлар эди.

Олимларнинг ҳисобларига кўра, Катта Портлаш бундан 17 миллиард йил аввал содир бўлган. Борлиқни ташкил қилувчи бутун моддалар ўзларининг мавжудлигини Йўқликдан бошлади ва муқаммал тартиб, ақл бовар қилмайдиган мувозанат

ва мукаммал уйғунлик асосида шаклланди.

“Катта портлаш”нинг ғалабаси

1948 йили фалакшунос Жорж Гамов «Катта Портлаш» ҳақидаги яна бир фаразни илгари сурди. Агар олам улкан бир портлаш натижасида яратилган бўлса, унда маълум миқдордаги нурланиш қолдиғи бўлиши керак, дея таъкидлайди у. Шунингдек, бу нурланиш бутун коинотга бир хил миқдорда тақсимланган бўлиши керак. «Катта портлаш»нинг “мавжуд бўлиши керак бўлган” бу исботи тез орада тасдиғини топди. 1965 йили икки фалакшунос Арно Пенсиас ва Роберт Уилсон нурланиш тўлқинларини кашф этишди. “Коинотнинг нурланиш фони” деб ном олган нурланиш битта манбадан тарқалмай, балки бутун коинотдан ўтарди. Шу назарияга асосланиб, бу нурланиш «Катта Портлаш»дан қолгани маълум бўлди. Пенсиас ва Уилсонлар ўзларининг кашфиётлари учун Нўбел мукофотига сазовор бўлишди.

1989 йили НАСА коинотнинг нурланиш фонини ўрганиш мақсадида тадқиқотчи йўлдош (COBE)ни учирди. Йўлдошга Уилсон ва Пенсиаснинг ҳисобларини текшириш учун атиги саккиз дақиқа вақт керак бўлди. Қурилма борлиқнинг ибтидосида рўй берган ўша кучли портлашнинг қолдиқларини топди. Фалакиёт илмининг энг улкан ютуғи деб ҳисобланган бу кашфиёт «Катта Портлаш» назариясининг ҳақиқат эканини тўла исботлади.

«Катта Портлаш» юз берганининг яна бир муҳим исботи фазодаги гелий ва водороднинг миқдоридир. Тадқиқотлар нати-


жасида маълум бўлдики, ҳозир коинотда бу моддаларнинг миқдори «Катта Портлаш» содир бўлганидан кейин қолиши керак бўлган гелий ва водороднинг тахминий миқдорига тенг экан. Агар борлиқнинг ибтидоси бўлмай, доимо мавжуд бўлганида, фазодаги водород аллақачон ёниб, гелийга айланган бўларди (Ҳорун Яҳё, “Борлиқнинг яратилиши” асаридан).

Аллоҳ борлиқни йўқликдан яратди

«Катта Портлаш» назариясининг илмий ғалабаси билан моддиончилик фалсафасининг асосини ташкил қилувчи “азалий модда” ҳақидаги афсона пуч назария экани исботланди. Шу ўринда бир савол туғилди. «Катта Портлаш»гача нима бўлган ва бу портлаш воситасида Борлиқни Йўқликдан яратган куч-қудрат қандай ҳосил бўлган?

Бу саволга илмий асосланган жавоб, Артур Эддингтоннинг сўзлари билан айтганда, моддиончиларнинг фалсафий қарашларига зид ўлароқ, борлиқни Яратувчи куч борлигидир. Даҳрий файласуф Энтони Флю Эддингтоннинг бу фикрини шундай шарҳлайди:

“Маълумки, гуноҳларнинг тан олиниши инсон руҳияти учун фойдалидир. Шунинг учун мен гапни фалакиёт борасидаги ҳозирги муроса даҳрий кишининг қалбига гулгула солиши кераклигини тан олишдан бошлайман. Негаки тадқиқотчилар борлиқнинг ибтидоси бўлгани ҳақидаги илмий исботларни тақдим қилишмоқда. Мен ҳали-



ҳануз даҳрий бўлиб қолсам-да, аммо тан олишим керакки, бунчалик инкор қилиб бўлмайди-ган илмий далиллар олдида динга қарши фикрларимни ҳимоя қилиш менга қийин бўлмоқда”.

Даҳрийликка кўр-кўрона берилган кўпгина олимлар Борлиқ ҳар нарсага қодир Яратувчи (Холик) томонидан яратилганини тан олишга мажбур бўлишмоқда. Бу Яратувчи модда ва замонни яратган, уларга боғлиқ бўлмаган Зотдир. Машҳур фалакиётшунос физик олим Хио Росс (АҚШ) шундай дейди:

“Агар вақт ва модда портлаш билан бирга пайдо бўлган бўлса, унда оламни яратган биринчи сабаб вақт ўлчовлари ва коинотдаги макондан холи бўлиши керак. Бу хулоса бизга Яратувчи зотнинг ҳар қандай моддий хусусиятлардан юксаклигини яна бир бор исботлайди”.

Нўбел мукофоти лауреати, физик Макс Планк айтади: “Борлиқда мукаммал тартиб мавжуд... Бу тартиб фақатгина Олий Ақлнинг онгли равишда яратиши билан пайдо бўлиши мумкин эди”.

“Осмонни биз қудрат билан барпо қилдик. Дарҳақиқат, Биз қудратлидирмиз. Ерни эса ёйиқкенг қилиб қўйдик. Бас, (Биз) нақадар яхши ёйгувчидирмиз” (Ваз-зориёт, 47—48, мазмуни).

Ўрчисадан
Муроджон ҒОҒУРОВ
таржимаси